

ПОСИДЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ



1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган

№ 88 (3318)

1999 йил 17 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ЯКУНЛАНАЁТГАН ЙИЛ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Мана, декабрь ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳам ўз ниҳоясига етмоқда. Яна санокли кунлардан кейин Тошкент курантлари бонг уриб, Янги йил кириб келганини маълум қилади. У биз ва мустақил Ватанимиз учун қандай кечилишни вақт кўрсатади. Ишончим комилки, Конституциямизга биноан мустақил республикамизнинг барча фуқароларини ташкил этувчи халқимиз кириб келаётган йил ҳам аввалги саккиз йил каби муваффақиятли ва самарали бўлиши учун бор имкониятларни ишга солади. Бу билан келгуси йил якунида XXI асрга қадам қўйиб, давлатимизнинг буюк келажагини янада яқинлаштиради.

Ҳеч шубҳа йўқки, ортда қолаётган йил мустақилликнинг бошқа йиллари каби яратувчилик даври бўлди. Юртимизнинг тобора чирой очиб бораётган аҳоли яшаш жойларида янгидан янги ишлаб чиқариш, маданий ва ижтимоий-маиший объектлар барпо этилди. Андижон вилоятидаги ер ости газ омбори, "Қобул-Ўзбек Ко" ўзбек-корей қўшма корхонаси каби йирик инвестициялар фойдаланишга топширилгани ҳақидаги хабарлар дунёнинг кўплаб мамлакатлари газеталарида эълон қилинди. Булар ва бошқа ўзгаришларнинг барчаси ислохотларнинг "Ўзбек модели" тўғри ва самарали эканлиги, уни тезлаштириш эса турмушимизни янада юксалишга олиб келишига ёрқин далиллардир.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам катта воқеалар ва ўзгаришлар рўй берди. Республикада жамият фаолиятининг барча соҳалари демократлашиб, эркинлашиб бормоқда, ҳукуматга тегишли ваколатлар аста-секин давлат иштироидан жамоат ташкилотларига берилаяпти, ҳукуматни идора қилиш тармоқлари фаолиятининг самарадорлиги ошди, одамларнинг онги ва дунёқароши, ҳаётга муносабати ўзгармоқда, уларнинг эртанги кунимизга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Аммо бизнинг энг муҳим ютуғимиз — мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро эришилган тотувлик, шунингдек ўзимиз ва халқ манфаати йўлида баракали меҳнат қилишимиз учун шароит яратиб берилганидир. Фуқароларимиз бу бебаҳо неъматнинг аҳамиятини тобора чуқурроқ англаб етмоқдалар.

16 февраль кунини Тошкентда рўй берган террорчилик ҳаракатлари мустақилликка нафақат эришиш, балки уни ҳимоя қилиш ҳам муҳим эканлигини кўрсатди. Ёвуз мақсадларни кўзлаган қора кучларнинг барчамиз учун азиз бўлган Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳаётига суиқасд қилиш орқали давлат тўнтаришига уриниши кўп миллатли халқимизнинг ўз йўлбошчиси атрофига янада мустаҳкам жипслашишига олиб келди. Ўша фожияли кунларда барчамиз террорчилар томонидан амалга оширилган портлатишлар оқибатида ҳалок бўлганлар ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан қайғуга ботиб, мамлакат раҳбарияти олиб бораётган сиёсий йўлни қўллаб-қувватлаётганимизни яна бир бор намоён этдик.

Ҳа, яқунланаётган йилда ўзига яраша ташвишлар ҳам бўлди. Ўзбекистонда кўлга киритилаётган ютуқлар баъзи хорижий мамлакатлардан паноҳ топган душманларимизга томоққа тиқилган сўнғак каби ёмон таъсир кўрсатди. Улар халқро террорчилар ҳомийлигида ёзнинг охирида ўз манқуртларини бебошликлар қилиш, беғуноҳ одамларни жазолаш учун яна юборишди. Аммо бу уринишлари ҳам зое кетди. Қуролли Кучларимиз, ички ишлар идоралари ва Миллий хавфсизлик хизмати уларнинг йўлига мустаҳкам дов қўйди.

Афсуски, Қирғизистондаги кучли тизимлар ўз худудларида талайгина бебошликлар қилган халқро террорчилар ва экстремистларни батамом йўқ қилиб ташламади. Улар Тожикистон худудига сиқиб чиқарилди, холос. Терроризмга қарши курашиш бўйича тўпланган жаҳон тажрибаси эса қуролланган террорчилар албатта йўқ қилиниши кераклигини кўрсатади.

Инсоният бошига турли кулфатлар ёғдираётган бу ёвуз кучларга Ер қурраимизда ўрин йўқ. Ким бизнинг олдимизга одам ўлдириш ва талончилик қилиш мақсадида қурол билан келар экан, шу қуролдан ўзи ўлим топади. Буни Ўзбекистон кучли тизимлари Янгиободда рўй берган воқеалар давомида ошқора намоён этишди. Озодлигимизга раҳна солувчи, умумий уйимиз — мустақил Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталикни бузишга уринган бирорта ҳам жиноятчи жазосиз қолмайди.

5 декабрь кунини ўтказилган Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловлар, шунингдек 2000 йил 9 январь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан олиб борилаётган сайловолди ташвиқотлари халқимиз ҳаётида катта ва муҳим воқеа бўлиб қолди. 12 миллиондан ортиқ сайловчилар иштирок этган ҳукуматнинг ваколатли органларига сайловлар мустақиллик йилларида халқимизнинг сиёсий онги тобора ўсаётгани, унинг давлатимиз асосчиси бўлган Президент Ислам Каримов раҳбарлигида танлаган йўлимиз тўғри эканлигига ишончи ортиб бораётганини кўрсатди.

Шу билан бирга халқро ҳуқуқ меъёрларига мос келиши умумэтироф этилган Конституциямиз ва республика сайлов қонунчилиги асосида ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкамланаётгани, жамиятимиз тараққиёт йўлидан дадил бораётганини намоён этди.

Жонажон Ватанимиз билан фахрланасан арзийди. Фахрланаямиз ҳам. У ўз йигит-қизлари тақдирига бефарқ эмаслигини кўриб билиб турибмиз. Шу боис, умумий уйимиз — мустақил Ўзбекистон доим меҳмондўст бўлиб қолиши, тинчлик ва осойишталик ҳукми суриши, шунингдек янада гуллаб-яшнаши учун бор имкониятларни ишга солаверамиз.

2000 йил 9 январь кунини Ўзбекистон Президенти сайловида ҳам ана шундай ўй-фикрлар билан иштирок этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2000 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Зиёратчилар рўйхати фуқароларни ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин.

2. 2000 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (Ф. Собиров) ёрдам кўрсатсин.

3. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (А. Рўзметов) 2000 йил март-апрел ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг харажатларини камайтириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў. Комилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимида кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўриқдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар

билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З. Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1380 (бир минг уч юз саксон) АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоида, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошқора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 декабр.



2000 йил

9

ЯНВАРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

САЙЛОВГА МАРҲАМАТ!



КЕЛАЖАК УЧУН
ОВОЗ БЕР, ЮРТДОШ!

МАНГУБЕРДИ



ҚОШИДА ҚАСАМЁД



1999 йил 15 декабрь — 2000 йил 15 январь

КЕЛГУСИ HAFTA UCHUN
MUNAJJIMLAR VA SHORATI

Ойнаи жаҳон дастурлари — тўлалигича бизнинг газетамизда!

ДИҚҚАТ! Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ҲАММА ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 декабрь куниндаги фармойишига асосан Республикаимиз вилоят, шаҳар, туман, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги масканларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора ва тадбирларини юқсалтириш мақсадида "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. 1999 йилнинг 15 декабридан 2000 йилнинг 15 январига қадар давом этадиган бу тадбирда халқ хўжалиги масканларини ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ҳолга келтириш, республиканинг корхона ва масканларида ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш, масканларни ёнгини ўчиришдаги жанговар тайёргарлигини ошириш, ишчи-хизматчилар, ўқув юртлари ўқувчилари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёнгинларнинг олдини олишга жамоатчиликни кенг жалб этиш бош мақсад қилиб олинган.

Барча вазирлик, идоралар, уюшмалар, концернлар ва корпорацияларда ҳайъат, кенгаш мажлисларида ўзларига қарашли масканлар ва уй-жой фондининг техник ҳолати, ёнгин хавфсизлиги масалалари қайта кўриб чиқилади.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида газ, электр ва сув хўжалиги мосламаларининг аҳоли ва уларнинг соҳа ҳолда бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ойлик давомида содир бўлган ҳар бир ёнгин ҳодисаси юзасидан пухта текширувлар ўтказилиб, айбдор раҳбарларга эгаллаб турган

лавозимларидан озод этишга бўлган чоралар кўрилиши кўзда тутилади.

Шу билан бирга халқ хўжалиги масканларида ёнгин хавфсизлиги бурчакларини ташкил этиш, уларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, ёнгинга қарши сув таъминоти манбаалари (гидрантлар, резервуарлар, сув ҳавзалари, ички ўт ўчириш кранлари)ни соҳа ҳолга келтириш чораларини кўриш, узоқ вақт ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳал этилмай келинаётган масканлар ва аҳоли турар жойларида рейдлар ташкил этиш борасида қатор ишларни амалга ошириш ойликни ўтказишдаги вазифалардан бири бўлиб белгиланди.

Азиз юртдошлар! Ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш, аввало, аҳоли турар жойларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда ёнгинларнинг олдини олиш мақсадини кўзлайди. Бу ишда фақат мутахассислар эмас, барчамиз фаол иштирок этишимиз зарур. Сизлардан биринчи гада ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш талаб этилади. Фақат ўз уйингиз, иш жойингиз эмас, кўни-кўшни хонадонлар, ҳамкасбингиз иш жойини ҳам кўздан кечириш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини эслатиб қўйиш фойдадан холи эмас. Кўплаб талафот, офат ва қайғу келтирадиган ёнгинларнинг олдини олишда, содир бўлганда тезда бартараф этишда иштирок этасиз деган умиддамиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнгиндан сақлаш бошқармаси.**

"01" ХАБАР ҚИЛАДИ

- Миробод туманида жойлашган Успенский номли черков ётоқхонасининг 2-қаватидаги хонасида ёқилган шамнинг назоратсиз қолиши натижасида ёнгин содир бўлиб хонанинг томи, шифти ва жиҳозлари ҳамда хонага кириладиган йўлакнинг шифти зарарланган.
- Ҳамза тумани Шавкат 1-тор кўчаси, 15А-ўйда яшовчи С. Турсунқуловлар хонадонидан иситиш печидан сурункасига, тўхтаб қолган фойдаланишдан печ ўта қизиб кетиб ёнгин содир бўлишига олиб келган. Натижада яшаш майдони ҳамда ошхонанинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб хонадонга 90 минг сўмдан зиёдрок миқдорда моддий зарар етган.
- Охунбоев тумани Модалиев номли жамоа хўжалигида истикомат қилаётган А. Абдурахмоновлар уйда иситиш печи мўрсининг носозлиги оқибатида шифт орқали уйнинг томига ўт кетган. Ушбу ёнгинда уй жиҳозлари жиддий зарарланиб, том ва шифти ёниб кетган.
- Электр симларининг қисқа туташуви натижасида Ургут тумани, Забарк қишлоғида яшовчи Ф. Дўстмуродовнинг хонадонидан молхонанинг томи ҳамда бир тоннага яқин хашак ёниб кетган.
- Питнак шаҳар "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳудуди ер остидан ўтган газ қувурининг носозлиги натижасида сизиб чиққан газ канализация қувури орқали шу яқин атрофда яшайдиган Б. Абдуллаевлар уйининг поли остига йиғилган. Эрта тонгда Б. Абдуллаевнинг хона чирогини ноҳосдан ёқиб юбориши натижасида йиғилган газ чакнаб кетиб ўзи, умр йўлдо-

ши ҳамда 10 ёшли ўғли қуйиш тан жароҳатлари олганлар.

- Иситиш қозонини ёқиш мақсадида газ жўмрагини очиб қўйиб сўнг гугурт ёқиш натижасида жўмрақдан чиқётган газ алангаланиб Жомбой тумани Ҳамза кўчаси 11-ўйда яшовчи Ш. Абдуқодировнинг синтетика кўйлагига ўтиб кетган. Натижада кучли қуйиш тан жароҳати олган Абдуқодировга касалхонага ётқизишига сабаб бўлган.

- Пастдаргом тумани Искандаров номли қишлоқда фуқаро А. Усмонов ҳамда унинг умр йўлдоши Х. Усмоновлар ҳовлида турган газ баллонининг портлашидан тан жароҳати олиб, шаҳар куйганлар марказига ётқизилган. Ёнгиннинг келиб чиқишига эса маиший газ баллонини ишлатишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш сабаб бўлган.

Ҳозирги даврларда содир бўлаётган ёнгинларнинг 70 фондан кўпрогини турли хил иситиш воситалари ва газ мосламаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилишидан келиб чиқётганлигини ҳамда бу ёнгинларнинг аксарият қисмини, яъни 75 фондан яқини аҳоли турар жойларида содир бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси Сизлардан ўтказилаётган "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" да ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ҳаётга тадбиқ қилиш билан фаол қатнашишларингизни сўрайди.

Р. АСЛОНОВ.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Юртбошимизнинг биз ўтган аждодларимиз билан фахр этганимиздек, келажак авлод, фарзандларимиз ҳам келгусида биз билан гурурланишларига муносиб бўлишимиз керак деган фикрлари Ҳамза театри биносидан ўтказилган тадбирнинг мазмун-мундарижасини ташкил этди. Тадбирни очар экан, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди эканини, ёш ходимларга тажрибали, малакали устозлар, мураббийларнинг ўз маҳоратини ўргатиши уларнинг келажак олдиданги маънавий бурчи эканини таъкидлади.

Тадбир мавзуси ҳам чуқур рамзий маъно касб этди. "Устоз-шогирд" масаласи аслида азалий масала. Лекин пойтахтимиз ИИББ ёш ходимлари ва ички ишлар идораларида 20 йилдан ошқ хизмат қилиб қўйган авлод учрашувида бу мавзуга янгиликлар ёндошилди.

Нотикларнинг гап-сўзидан шу нарса маълум бўлдики, устознинг устозлигини авваломбор шогирд тан олиши керак экан. Тўғри, баъзан оқибатсиз шогирдлар ҳам учрайди, лекин аксар ҳолларда мураббий ўз меҳнати, заҳмати билан шогирдини қойил қолдира билса, унга ҳаётий тажрибаларини берадиган сингдир олса, шогирд бундай устозини ҳеч қачон унутмас экан. Бунинг учун устоз ўзига ҳам, шогирдига ҳам талабчан, иродали, юксак маданиятли, ўз соҳасининг устаси бўлиши керак экан.

ИИББ бошлиғи баъзи узоқ йиллар хизмат қилиб қўйган ходимлар ҳам ўз вазифаларига лоқайдлик билан ёндошишини, тегишли ҳужжатларни яхши билмаслигини афсус билан қайд этди.

Ҳаммамиз ҳам юртимизнинг келажак буюк бўлишига ишонамиз. Ана шу буюк келажакни бугунги ёшлар яратишини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ёш кадрларга эътибор келажакка эътибор демакдир. Республика ИИБ ШТБИХ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Ҳ. Жўраев ана шунга алоҳида ургу бериб:

— Эртага яхши ҳосил олиш

учун бугун ёш ниҳолларни парвариш қила билишимиз керак, — деди.

Вазирликнинг Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов ходимларга, айниқса ёшларга давр талабларидан орқада қолмаслик, замона андозасига мос бўлиш зарурлигини ўқирди.

Сўзга чиққан ёшлар катта авлоднинг барча яхши фазилатларини мерос қилиб олишга кунт билан интилишларини билдирди. Авлодлар учрашуви сўнгидан пойтахт ИИББ Мураббийлар кенгаши тузилиб, милиция полковниги Ш. Алашев кенгаш раислигига сайланди.

Тадбирда янги йил олдида шахсий таркибни долзарб вазифаларни бажаришга чорловчи руҳ ҳукмрон бўлди. Унинг "Хизматимизни соғлом авлодни тарбиялашга бағишлайлик" шиори остида ўтгани ҳам бежиз эмас.

Р. Ҳайдаров учрашувни якунлар экан, фахрийларни ҳам муносиб кадрлар тайёрлашдек хайрли ва масъулиятли ишдан четда қолмасликка, бу борада ИИББ раҳбариятига елкадош бўлишга чакирди. Бу ишнинг бошлиғини холос, яқин орада ёш ходимлар кенгашини тузиш, кейин икки ўртада алоқани тобора мустаҳкамлаб бориш гадаги вазифалардир.

Тадбирдан сўнг санъат усталари ижросида йиғилганлар учун куй ва қўшиқлар янгради.

**Анвар ҲАКИМОВ,
милиция капитани.**



Қибрай тумани ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати ноэри, милиция старшинаси Дониёр Султонов йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчилар ўртасида профилактик ишларни олиб боришда касбдошларига ўрнак бўлаётди.

**СУРАТДА: милиция старшинаси Д. Султонов иш устида.
А. САПАРМАТОВ олган сурат.**

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва ходимларнинг ўқув юртлари талабалари билан учрашувлари аънамага айланди. Бу учрашувларда маънавият, ахлоқ-одоб масалаларига алоҳида ургу берилди. Яқинда Урганч Давлат университети талабалари билан бўлган мулоқот ҳам маънавий-маърифий тарбияга бағишланди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Т. А. Худайберганов бугун ҳаммани ташвишлантираётган муаммолар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди, бу соҳада талаба ёшлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхтади.

Виждони пок, иймон-этикодли инсон ҳеч қачон ўзига раво кўрмаган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмайди.

Ҳаётни гўзаллаштириш, фаровон қилиш, инсонийликка ёт бўлган ҳар қандай иллатларга қарши курашиш маънавий юксак одамнинг матлабига айланади.

Хоразм заминидан буюк алломалар, даҳолар етишиб чиққан. Уларнинг ҳаёт йўли, жасорат ва ҳиммати, инсоний комиллиги ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Бугун улғу аждодларимизнинг муносиб

ворислари етишиб чиқиши керак. Кўплаб ёшларимиз илм ўрганишда, буюк келажакимизга муносиб инсонлар бўлиб етишиш йўлида тинмай изланиптилар. Бироқ жиноятга қўл ураётган, диний-экстремизмга, ақидапарастликка берилиб ўз халқига, Ватанига қўл кўтараётган гунаҳкорлар ҳам йўқ эмас. Уларга қарши курашда, айниқса ёт таъсирларга берилиб ўз умрини хазон қилаётган кимсаларни, алданганларни тўғри йўлга бошлашда талаба ёшлар кўп иш қилишлари мумкин. Хушёрлик, сергаклик, масъуллик ҳар бир талабага хос бўлиши керак. Агар ҳар биримизда ана шу фазилатлар камол топса,

Тошкентдаги, Янгибод шаҳарчасидаги ва бошқа ноҳуш воқеаларга бундан буён йўл қўймаган бўлардик. Учрашувда шунингдек, гиёҳвандликка қарши кураш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сир эмаски, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар бир қадар кўпаяётгани сезилмоқда. Таҳлиллар, кузатувлар шуни кўрсатяптики, ёшлар, талабалар орасида ҳам гиёҳвандлар учраяпти. Учрашувда университет ректори, академик Азимбой Саъдуллаев сўзга чиқиб, ёшлар олдида турган вазифаларга тўхтади, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Учрашув талаба ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

♦ НТ — 200 тоифадаги электрон бошқарувчи янги сифатли дастгоҳ Навоий тоғ-металлургия комбинатининг механика заводида 1991 йил декабрь ойидан ишлаб чиқарила бошланди.

♦ Ўзбекистон ўсимликшунос физиологларининг биринчи съезди 1991 йил 16-18 декабрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

♦ Ўзбекистонда Моцарт фестивали илк бор 1991 йил 5-18 декабрь кунлари Тошкентда ўтказилди.

♦ Ўзбекистонда Туркиядан келтирилган кенг тармоқли товарлар термаси Тошкентда очилган "Стамбул" дўконидан илк бор 1992 йил декабрь ойида хариддорларга тақдим этилди.

♦ Ўзбекистонда дастлабки уяли радиотелефон алоқаси станцияси 1992 йил декабрь ойида Тошкентда ишга туширилди.

♦ Ҳамдустлик давлатлари панддаларининг дастлабки танлови 1992 йил декабрь ойида Москвада бўлиб ўтди. Ушбу танловда йилнинг энг яхши қандолатчиси деб Тошкентдаги "Феруза" қаҳвахонасининг қандолатчиси Аваз Зокиров топилди.

♦ Малайзиядаги биринчи ўзбек киноси ҳафталиги 1992 йил декабрь ойида ўтказилди.

♦ Республикаимизда электр иситкичлар ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб 1993 йил декабрь ойида Намангандаги "Ремдеталь" заводи йўлга қўйди.

♦ Бухорога ичимлик сувнинг дастлабки кубометри Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув нови орқали 1993 йил декабрь ойида берилди.

♦ Ўзбекистон олий ўқув юртларида экологик таълим масалаларига бағишланган биринчи Республика илмий анжумани 1993 йил 16 декабрда Тошкентда ўтказилди.

♦ Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг тарихий ҳамда маданий алоқаларига бағишланган биринчи халқаро семинар 1993 йил декабрь ойида Деҳлида бўлиб ўтди.

♦ Ўзбекистондаги мусавирлар орасида Татаристон Республикаси халқ мусавири деган фахрли нома илк бор Ўзбекистон халқ мусавири Чингиз Аҳмаров 1993 йилда сазовор бўлди.

♦ "Қорақалпоқнефтегазразведка" экспедицияси бурғучилари томондан 1994 йил 14 декабрда Устюрт гарбидаги Қарашулоқ деган жой бурғуланганда дастлабки табиий газ фаввораси отилиб чиқа бошлади.

♦ "Нукус — Москва" йўналиши бўйлаб тезкор йўловчилар поездининг дастлабки қатнови 1994 йил декабрь ойида йўлга қўйилди.

ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

5 декабрь кун фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига муносиб номзодларга овоз бериш учун сайловларда иштирок этишди. Бу қўнғу кунни тинч, осойишта ўтказиш мақсадида ҳар бир ходимимиз ўз зиммасидаги вазифани масъулият билан бажарди. Мустақиллигимизни кўролмай, ҳар хил итфо гаплар, варақалар тарқатишга уринган кимсаларнинг пайи қарқилди.

**И. ҚАЛҚОНОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг муовини,
милиция полковниги.**

Истеъфодаги милиция полковниги Аҳмаджон Абдурахмонов 40 йилдан ортиқ ички ишлар идораларида меҳнат қилди. У Қўқон шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлимида моддий ва маънавий бойитишга муносиб ҳисса қўйди. Фарғона вилояти Риштон тумани ИИБ бошлиғи бўлиб ишлади. Қаерда, қандай лавозимда фаолият кўрсатмасин, кадрларни танлаш ва уларни тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Мен у кишининг шогирди бўлганимдан фахрланаман.

**Баҳром БҮРОНОВ,
фахрий.**

САМАРАЛИ МЕХНАТ ГАРОВИ

Мустақиллик одимлари

Халоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезонидир.

И. КАРИМОВ.

Барча соҳада бўлгани каби республикаимиз ички ишлар тизимида ҳам ходимлар иш шароитини яхшилаш, уларнинг кенг ва ёруғ хоналарда самарали меҳнат қилишлари, вақтида дам олиб, вақтида саломатликларини мустаҳкамлашлари учун етарли шароитлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Республикаимизнинг деярли барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон республикасида ички ишлар идораларининг бинолари капитал таъмирланди ёки янги, кўркам ва қулай бинолар қурилиб, кўчиб ўтилди ва янги-янги бинолар қурилиши давом этмоқда.



Шу нуқтага назардан олиб қаралганда Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармасида ҳам замонавий бино қуришга зарурат туғилди ва мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Республикаимиздаги "Тошуйжойинвестқурилиш", Тошкент зонал илмий текшириш ва лойиҳалаш институти, "Тошгипрогор" ўртасида ўтказилган бино лойиҳаси конкурсида "Тошгипрогор"нинг тендер асосида ишлаган лойиҳаси маъқул топилиб, қурилиш ишлари бошланди. Ҳозирги кунда бино лойиҳаси бўйича ажратилган

пул деярли сарфланди. Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг эндиликда


ночор, замон талабларига жавоб бера олмайдиган таъмирталаб бинони рўпарасида уч блокдан иборат кўркам, савлатли, асосийси, ҳар қандай ривожланган мамлакатлар муассаса биноси билан беллаша оладиган, хоналари кенг, шинам ва ёруғ, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мўлжалланган, ишчи-хизматчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, қимматбаҳо вақтларини тежаш имконини берувчи бино қуриб битказилиш арафасида.

— Бино қурилишини бош пудратчи — "Тошуйжойинвестқурилиш"нинг "Сифат"

қурилиш трести, "Баландқурилиш" Бош бошқармаси-

нинг субпудратчилари олиб боришмоқда, — дейди Бош бошқарма бошлигининг қурилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ўринбосари, ички хизмат капитани Р. Худойберганов, — пардозлаш ишлари жадал кетаётган бинодаги хизмат хоналарини айланарканмиз. — Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қурилиш материалларининг жуда кўп қисми: эшиклар, дераза ромлари, безакли гиштлар ва мрамор плита ва тўсиқлар, ҳатто 300 кинопроекция асбобларга эга ва 100 ўринли катта-кичик мажлислар зали, зобитлар ошхонасидаги жимжимадор, чиройли стуллар, ошхона

жавонлари ва столлар ҳам Бош бошқарма тасарруфидаги муассасаларда жазо муддатини ўтаётганлар томонидан тайёрланган. (Бундан кўриниб турибдики, улар шунчаки, жазо муддатини ўтамай, озодликдаги ҳаётларида асқотадиган маълум касб-ҳунарга ҳам эга бўлаётган



экан. — Ш. Х.). Бинонинг маълум бир қисмида жазо муддатини ўтаётганлар ясаган жиҳозлардан энг намуналисини танлаб, кўргазма ташкил қилишни мўлжаллаганмиз.

— Биноимиз спорт, маъмурий, техник блокларга эга. Спорт блокада кенг-мўл спорт зали бор. Унда мини-футбол, волейбол, баскетбол ўйинларини, ҳамма турдаги теннис мусобақаларини ўтказиш мумкин бўлади. Бу қисмда турли-туман тренажерлар, махсус хоналар, душ ва сауналар, тир мав-

жуд, — изоҳ беради Бош бошқарманинг капитал таъмирлаш ва эксплуатация бўлимининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ф. Ҳошимов. — Хизмат хоналарини шинам ва ёруғ, қулайлигини кўриб турибсиз. Бундан ташқари, эндиликда ўзимизнинг АТСимиз, бир йўла 200 киши овқатланishi мумкин бўлган ошхона, дўкон ва дорихона, иш юза-

сидан узоқ-яқиндан келади-ган ходимларимиз учун меҳмонхонамиз бўлади. Шунингдек, техника воситаларимизни сақловчи гаражимиз, уларни созлаш ва таъмирлаш учун устахонамиз ҳам ишга тушишга шай.

Аёл ходимларимиз учун ҳам алоҳида қулайликлар яратилган. Уларнинг иш шароити яхшиланиб, дам олишлари учун махсус хона ажратилган. Бинодаги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси фаолиятини акс эттирувчи музейда жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилган.

Ишчи ходимнинг ўз қабилни севиши, ишга шошилиб бориб, жон-дили билан бор куч-қуввати, ақл-заковати, билимини сарфлаб ишлаши, ўз меҳнати, салоҳияти билан жамият тараққиётига озгина бўлса-да ҳисса қўшиши учун кўп нарса керакми? Менимча йўқ. Иш шароитининг яхшилиги, меҳнатнинг қадрланиши, раҳбариятнинг эътибо-

ри — мана шулар самарали меҳнат гаровидир.

Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармасида эса келгусида ходимлар меҳнати яна-да самарали бўлиши йўлида астойдил иш олиб борилмоқда.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Суратларда: қурилиш учун маъсул Ф. Ҳошимов ва Р. Худойбергановлар иш устида; 2000 йил арафасида ишга туширилиши мўлжалланаётган Бош бошқарма янги биносининг умумий кўриниши.

Шундай одамлар бор бўлсин!

ОЛИЖАНОБЛИК УЧУН РАҲМАТ

Ярим тунда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари чегарасидаги "Манас" ДАН масканига "КамАЗ-5320" русумли 55-29 СНМ давлат рақамли автомашина яқинлашиб келди-да, постда турган навбатчи Жиззах тумани худудидан ўтган катта йўлда бир машина одам уриб юборганини айтиб, автомашинанинг русуми ва давлат рақами ёзилган қоғозни тутқазиб кетди. Бу ерда хизматда бўлган вилоят ИИБ ДАН ходимлари, Жиззах туман ИИБ ДАН бўлими билан боғланиб, воқеани баён қилдилар ва тезда автоҳалокат содир бўлган жойга жўнадилар.

Биз, яъни Жиззах тумани ИИБ ДАНБ ходимлари воқеа жойига етиб борганимизда, атрофда ҳеч ким йўқ, йўл четида эркак кишининг қонга беланган жасади ётарди. Бу орада етиб келган вилоят ИИБ ДАНБ ходимлари билан тезда ҳаракатни бошладик. Жабрланган, аниқроғи, автоҳалокат натижасида ҳалок бўлган киши Жиззах туман сугурта идораси ходими О. Иброҳимов эканлиги аниқланди.

"Манас" ДАН масканига қолдирилган хат бўйича, автоуловнинг қайси ташкилотга тегишли ва ким томонидан бошқарилаётганини ҳам аниқладик. "Ўртаосиётранс"нинг Жиззах вилоятидаги автокорхонасига қарашли бўлган "КамАЗ-53212" русумли 1396 СРО давлат рақамли автоуловнинг ҳайдовчиси Аҳадкул Қўшмуродов ўша кун тунда Тошкентга кетгани аниқланди. Унинг манзили бўйича уйига бордик. Ҳайдовчи дастлабки суриштирувдаёқ айбини бўйнига олди ва кўрқиб кетганидан жабрланувчига ёрдам кўрсатмасдан кетиб қолганини айтди.

Транспортлар ниҳоятда серкатнов ва тез ҳаракатланадиган катта йўлдаги бу фожиа исзиз қолиб кетарди деб бўлмайдди. Албатта, катта қийинчиликлардан кейин очилиши мумкин эди. Бироқ воқеани кўриб, айбдор ҳайдовчи бошқараётган автоуловни бизга хабар қилган фуқаронинг олижаноблиги туфайли воқеа тезда аниқланди, айбдор ушланди. Шу ўринда фуқароларимиз орасида фожиаларга, жиний ишларга бефарқ қарамайдиган кишилар борлиги биз осойишталик посбонларини қувонтиради.

Дарвоқе, ДАН ходимларига хабар берган кишини ҳам аниқладик. Жиззах вилоятининг барча ДАН ходимлари номидан бу кишига, жиний ишни тезда очилиб, айбдорни топишда ёрдам бергани учун самимий миннатдорчилик билдираимиз.

Аҳмаджон КАРИМОВ,
Жиззах тумани ИИБ ДАНБ бошлиғи,
милиция подполковниги.

"ИШОНЧ"ГА ТАЯНИБ...

Азиз биродарлар! Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳар ИИББдаги "Ишонч" телефонига фуқароларимиз кўнғирок қилиб, Она-Ватанимизни турли жиноятчилардан тозалашда, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда ёрдам кўрсатиб, Ватанимизнинг тинч-осойишта бўлиши учун ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. "Ишонч" рақамларини эслатиб ўтамиз: 133-64-97; 136-75-82; 56-74-76.

Қадрли дўстлар! Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ҳар доим ҳалол ва пок ходимлар билан ўз сафини кенгайтириб бораверади.

"ИШОНЧ" — СИЗ УЧУН!

1999 йил охирида бормоқда. "Ишонч" телефонига тушган хабарлар ва умуман қилинган ишлар сарҳисоби олинмоқда. Қилиниши керак бўлган ишлар режалари тузилмоқда. Шунга кўра бизга

келаётган маълумотлар асосан тўрт гуруҳга, яъни содир этилган жиноятлар ва уни содир этган гумондорлар, диний экстремизм оқими таъсирига тушиб қолганлар ҳамда нашоивандлар, бангилар, ёшлар

ни бу йўлдан қайтариш ва кам бўлсада, минг афсуски милиция ходимларининг ўз вазифаларини сунистьёмол қилишлари ҳақида хабарлар келиб турибди.

Ишонч ва ишончсизлик, бахт ва бахтсизлик бир-бирига қанча яқин бўлмасин, ўлим-

нинг юзига тик боқувчилардан ажал ўзини олиб қочиши ҳақида Ҳадисларда айтилган. Агар шу йўлда ҳалок бўлсанг, пок виждон билан ўлиш насиб этса, сен дунёда бахтлисан, чунки фарзандларинг, қариндош, ёру биродарларинг сен билан фахрланишади.

Кун кеча Ангрен воқеаси, яъни жангариларни йўқ қилишда оламдан ўтган йигитларни "Ишонч" ўғлонлари" дегин келади. Жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликнинг роли катта. Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти Сизларга маълумотларингиз учун чўқур миннатдорчилик билдиради ва доимий кўнғирокларингизни кутади.

Ш. КАМОЛОВ,
Ю. АШУРОВА.

ХОРАЗМДА "ТОЗАЛАШ" ТАДБИРИ

калтабинлик қурбони бўлишяпти. Охир-оқибатда ўзимиз оқ ювиб, оқ тараган фарзандларимиз ўзимизга тош отишгача бориб етаяпти. Ўз киндик қони тўқилган Она-Ватанига хиёнат қилишдек бундай ташвишли ҳолга ҳеч бир киши бефарқ қараши сира мумкин эмас...

Шундан сўнг сўзга чиққанлар ҳам мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш бора-сида ўз фикрларини билдирдилар.

Учрашув якунлангач, Хива шаҳар ҳудуди бўйича "Тозалаш" тадбирига киришилди.

Бу тадбирда вилоят ИИБ ҳамда шаҳар ва туман ИИБларидан келган милиция ходимлари иштирок этди. Тадбир давомида 22.929 та хонадон текшириб чиқилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 760 нафар фуқаро паспорт қоидаларига риоя қилмасдан яъни рўйхатдан ўтмай яшаётганлиги, 733 нафар кишининг эса доимий яшаш жойларидан бир ой ва ундан ҳам кўпроқ муддатга кетганлиги аниқланди. Профилактик ҳисобда турган шахслар билан яқра тартибда суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг яшаш шароитлари ўрга-

ниб чиқилди. Аср вабоси ҳисобланган гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган 15 та ҳолат аниқланиб, улар устидан жиний иш қўзғатилди. 1759 та маъмурий баённомалар тузилди. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаган 13 та объект раҳбарларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Тадбирда 456 нафар жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этишди.

Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Тозалаш" тадбири, Урганч шаҳар ва Урганч туманида ҳам бўлиб ўтди.

Х. ЖАБОРОВ.

Шу сонга

ПЕНСИЯ ТЎЛОВИДАГИ ЯНГИЛИК

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги нафақадорларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсия таъминотини яхшилаш, республика бюджетидан сарфланаётган харажатларни камайтириш, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида пенсия тўловларини беришда янгилик жорий этилди. Эндиликда 2000 йил 1 январдан бошлаб пенсия тўловлари ички ишлар идоралари, яъни республика ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси пенсия таъминоти бўлими, Қорақалпоғистон республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Нақлиёт ИИБ пенсия таъминоти бўлимлари, бўлинмалари ҳамда гуруҳлари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Республика ИИВ Молия-иқтисод бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори М.Омонбоевдан олинган маълумотга кўра, юқоридаги ўзгариш муносабати билан республика Ички ишлар вазирлигининг муовини, милиция полковниги С.Асадов раҳбарлигида 31 декабрда бажарилиши лозим бўлган ташкилий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Нақлиёт ИИБ раҳбарияти зиммасига пенсия таъминоти бўлимларига алоҳида касса хоналари ва автомобиллар ажратиш, нақд пул сақлаш хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, банклар билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилиши ҳам режалаштирилди.

Республика Ички ишлар вазирлигининг

буйруғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Нақлиёт ИИБга иш юритиш учун қўшимча 55та штат бирлиги лавозими ажратилди ва жойлардаги пенсия таъминоти гуруҳлари бўлинмага айлантирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, пенсия тўловлари вазирлик аппаратидаги нафақадорлар учун Молия-иқтисод бошқармаси пенсия таъминоти бўлимида, жойларда эса пенсия таъминоти бўлимлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича ҳафтанинг маълум кунлари тарқатиладиган бўлди.

Кунга кеча вазирликда пенсия таъминотида янги тартиб жорий этилишига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Ушбу тадбирни бошқарма бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ў. Аҳмедов очар экан, нафақадорларга яратилган қулайлик ва шу кундаги вазифалар ҳақида гапирди. Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғининг муовини, ички хизмат полковниги Ш.Исҳоқхўжаев, бошқарма бўлим бошлиғи, милиция майори М.Омонбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, республика ички ишлар идоралари тизимларида бىждет ҳисобидан сарфланаётган харажатларни камайтириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни бартираф этиш мақсадида амалга ошириладиган ишлар, пенсия тўловларини беришдаги ўзгаришнинг ўзига хос жиҳатлари, нафақадорларга пенсия пуллари тарқатиш тартиби ҳамда пенсия таъминотининг вақтинчалик Низоми бўйича тушунча бердилар.

Ўз мухбиримиз.

“МАЗМУНЛИ УМР ОЛИЙ БАХТДИР”

Ольга Алексеевна 1950 йили Тошкентда туғилган. Ёшлигидан илмга чанқоқ Ольга мактабни аъло баҳо-ларга битириб, халқ хўжалиги институтига ўқишга кириди. Иқтисодчи мутахассислигини қўлга киритган Ольга дастлаб банк тизимида ишлайди. Тақдир тақозоси билан тўрткўллик Валерий Каменов билан танишиб қолади ва қорақалпоқ элига келин бўлиб тушади. Валерий мактабда дарс берар, Ольга эса республика меҳнат жамғарма банкида тафтишчи бўлиб хизмат қиларди. Ишчан ва камтар Ольга тез кунда ҳамқасблари ҳурматини қозониб, раҳбарлар назарига тушади. Уни 1973 йили Қ. Р. ИИВ молия-иқтисод бўлимига ишга олишади. Ольга ишга қаттиқ шўнғиб кетади. Унинг самарали меҳнат фаолиятини кўрган раҳбарият 1984 йили ҳақиқий милиция сафига қабул қилишади. Табиийки, бежирим милиция формаси Ольгага ярашиб, уни янада чиройли қилиб кўрсатиш билан бир қаторда зиммасига жуда катта масъулият ҳам юклайди. Буни яхши тушунган Ольга касбига фидойилик билан ёндошиб, вақт тигиз, иш кўп бўлишига қарамасдан болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Валерий ҳам Ольганинг хизмат фаолиятини тўғри тушуниб, рўзгор ишларида ҳамфикр, елкадош бўлади. Натихлада ўғиллари Борис ва Дмитрий ҳам ўзларидек оқил бўлиб камолга етадилар. Маориф со-

ҳасига қўшган ҳиссаси учун Валерий Каменов Қ. Рда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олади.

Ольга Алексеевна Тихонкованинг обрў-эътибори турмуш ўртоғиникидан асло кам эмас. 1992 йили раҳбарият унга жуда катта ишонч билдириб, молия-иқтисод бўлимига бошлиқ этиб тайинлашади. 1999 йил Ольга Алексеевна учун ҳақиқий аёллар йили бўлди. ИИВ тизимида ишлаётган аёллар ичида Қ. Рда биринчи бўлиб полковник унвонига эга бўлди.

– Биз Ольга Алексеевнадан энг аввало камтарликни, фидойиликни ўргандик, – дейди шогирдлари молия-иқтисод бўлими бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори Аҳмед Қалимбетов, тафтиш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Парахат Турдимуротов, бош ҳисобчи, ички хизмат майори Умрбой Полмонов ва бош тафтишчи, ички хизмат майори Лена Шарениадзелар тўлқинланишиб.

Ўз навбатида молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги Ольга Алексеевна Тихонкова ҳам шогирдлари ишидан мамнун эканлигини алоҳида таъкидлаб:

– Тақдир тақозоси билан ўттиз йил бўляптики, экологияси, иқлим шароити оғир ўлкада яшаб, ишлаб келмоқдаман. Лекин бундан асло хафа эмасман. Чунки



қорақалпоқ халқининг бағри кенглиги, меҳмондўстлиги, Ватанга бўлган ҳурмати чексизлиги менга руҳий мадад бериб турди. Миллий анъаналари, урф-одатлари, гўзал байрамлари хотирамда ўчмас из қолдирди. Қорақалпоқ элида жуда кўп дўстлар орттирдим.

Менинг энг олий бахтим ҳам шу ерда ўтган умрининг сермазмунлигидир, – деди завқ билан ўтган йилларни эслаб.

XXI асрда Ольга Алексеевна умрининг ярим асрлик тўйини нишонлайди. Биз ҳам ўз навбатида ички хизмат полковниги Ольга Алексеевна Тихонковага соғлиқ, омонлик, эзгу ишларига ҳамisha ривож тилаб қоламиз.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги Ольга Алексеевна Тихонкова иш пайтида.

БИЛМАГАННИ СЎРАБ БИЛИНГ

Ёлғиз ўғлим 18 ёшга тўлди. Ўзим меҳнат қилишга яроқсизман. Боламини армия сафига чақириш мuddатини кечиктириш мумкинми? Умуман, шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангизлар бошқалар учун ҳам фойдадан холи бўлмасди. Ҳурмат билан: З. Жаҳонгирова, 1-гурӯх ногирони.

– Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва қақирув кунга 18 ёшга тўлган йигитларни армия сафига қақирув мuddати оилавий шароитига кўра қуйидаги ҳолатларда кечиктирилиши мумкин:

– қақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бири меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, ўзларини боқиб олиш шарт бўлган бошқа меҳнатга қобилиятли ўғли бўлмаса;

– қақирилувчининг меҳнатга қобилиятли онаси ёлғиз, унинг 16 ёшга тўлган икки ва ундан ортиқ боласи бўлиб, онасига моддий ёрдам кўрсатиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли бошқа фарзандлари бўлмаса;

– қақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз ўзи тарбиялаётган бўлса;

– қақирилувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса ёхуд умр йўлдоши биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлса.

Эмизликчи болам бор. Баъзан ўтиришларда жиндак спиртли ичкилик истеъмол қилиб тураман. Бу зуррийатга таъсир кўрсатмасмикан?

Ҳуррият. Паркент тумани, Заркент қишлоғи.

Шифокорларнинг фикрича, бола эмиздагидан она ичкилик ичгандан сўнг 15 дақиқа ўтгач унинг сўтга тушишини билдириб беради. Бундай сўтга эмган гўдаклар кўпинча эпиплексия ва бошқа руҳий хасталикларга мубтало бўладилар. Алкогол она билан ҳимла қониди ҳам тез пайдо бўлишини унутмаслик зарур.

Саъдулла ШОДИЕВ тайёрлади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

Бу савол кеча ёки бугун туғилган эмас. Инсонлар ўртасида ўғирлаш, ноҳақ ҳақоратлаш, жанжаллашиш, уришиш, қотиллик пайдо бўлгандаёқ ана шу мудҳиш ишларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш истаги туғилган. Охирлаб бораётган асрнинг, мутахассислар энг кўп жиноятлар содир этилган давр деб баҳолашапти. Буни изоҳлаб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. Чунки, жиноятчиликнинг нафақат сони, турлари ҳам кўпайиб бораётгани сир эмас. Шу ўринда кўп йиллик тажрибаларимдан келиб чиқиб, айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Жиноят ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Яқинда ҳузуримга бир туппа-түзүк кийинган, зиёли одам келиб, бир танишидан шикоят қилди. Унинг айтишича, зарурат юзасидан пул сўраган. Албатта, бировнинг ҳолатини чиқаришни савоб деб билган ва яна бир томони яқин таниши бўлгани учун зиёли одам пулни беради. Бирок, ўртадаги олди-бердини ҳеч ким кўрмаган ва ҳеч қандай ҳужжат, далили бўлмаган. Салкам беш юз минг сўм пулни олган киши, ғойиб бўлган, Россияга кетганмиш. Шу ўринда милиция нима қилиши мумкин? Ҳеч қандай далил, гувоҳ бўлмаган иш думалоқ силлиқ тошга ўхшайди, унинг ичини очиб, нима борлигини билиш қанча меҳнат талаб этишни таърифлаш қийин.

Одамларимиз, кўнгилчан, ишонувчан. Бу яхши хислат. Бирок, айримлар учун, яъни фирибгар, товламачиларга эса жуда қўл келади. Шу йилнинг ўтган 11 ойида шахримизда 51 та фирибгарлик жинояти содир бўлган. Уларнинг аксарияти одамларнинг ишончига кириб, пулни олиб қочиб кетган. Шу ўринда, ўртадаги

олди-бердини ҳужжатлаштириб, нотариусдан тасдиқлаб олинса, олам гулистон. Ички ишлар ходимлари учун ҳам далил тайёр. Пул олган киши қочиб қутулолмайди.

Бу йил шахримизда илгари судланганлар томонидан қайта жиноят содир этиш кескин камайди. Буни катта ютуқ десам, мақтанаш бўлмас. Чунки илгари судланганлар, яъни қамоқ жазосини ўтаб қайтганлар томонидан жиноят содир этиш ички ишлар идоралари учун жуда муаммоли масала. Озодликка чиққан маҳбусни жамиятга қабул қилиш, яъни уни уй-жой, муқим иш жойи билан таъминлаш шунчаки жўн эмас. Айрим хўжалик, корхона раҳбарлари уларни ишга олишдан ўзини олиб қочади. Шунинг учун ҳам айрим жазони ўтаб қайтганлар ишсиз қолмоқда. Амаллаб, иш топиб берсангиз ҳам ёлғиз ишламайдиганлар топилади. Қисқа қилиб, айтсак, илгари судланганлар яна жиноят содир этишга мойилроқ бўлишади. Шунинг учун ҳам уларни доимий назоратда тутиш керак. Биз шаҳардаги муқаддам судланганларнинг бир қисмини, яъни қайта жиноятга қўл уриши мумкин деб ҳисобланганларни маъмурий назоратга олдик. Маъмурий назоратнинг қоидаларини бузганлик учун Жиноят кодексига жазо белгиланган. Маъмурий назоратга олиш, шунчаки рўйхатга ёзиб қўйиш эмас. Шахснинг нима иш билан шуғулланаётгани, оилавий шароити, маҳаллада юриш-туриши кабилардан доимий хабардор бўлиб, тез-тез суҳбатлашиб туриш лозим. Шу ишларни қатъийлик билан бажараётганимиз боис, илгари судланганлар томонидан жиноят содир этиш камайяпти.

Яна бир муаммолардан бири ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг камайишига бўлган эътибор. Ўрта мактабни битирган ўсмир мактаб назоратидан чиқади, бирор иш ёки ўқишнинг бошини ушламаса ота-онасидан бошқа назоратчи қолмайди. Бекор қолган ўсмир эса ҳар хил ноҳўя ишларни қилиши мумкин. Яна бир томони, айрим нопок кишилар уларни йўлдан уриб турли хил жиноятларга бошлаши мумкин. Шунинг учун биз ички ишлар идоралари раҳбарлари туман, шаҳар, вилоят ҳокимлиги раҳбариятидан доимий равишда иш жойларини ташкил этиш ва бекор қолган ёшларни ишга жойлаш ҳақида таклиф ва талаблар билан чиқарамиз.

Жиноятни камайтиришнинг яна бир омил, ички ишлар идоралари билан кенг жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракатини такомиллаштиришдир. Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида ўтказилган усулни мен жуда фойдали деб биламан. Маълум бўлишича, пойтахтда участка вакиллари профилактика инспекторларига айлантирилиб, уларнинг сони оширилган. Биз милиция халқ билан бирга бўлсин деймиз. Бир участка вакилига 5-6 минг аҳоли тўғри келса, қандай қилиб, улгурсин? Айрим хизматларни қисқартириш ҳисобига участка вакиллари сонини ошириш ва уларнинг хизмат доирасини кенгайтиришни маъқул йўл деб ҳисоблайман.

Маҳалла посбонлари фаолиятига эътиборни қучайтириш зарур. Участка вакилининг энг яқин ёрдамчиси ҳисобланган посбонларнинг масъулиятини ошириб, уларга бўлган ишонч мустаҳкамлаш керак. Яна бир томони бу ишга ёшларни кўпроқ жалб этилса, эртага тайёр кадр бўлади. Шу

ўринда Д. Дадабоев, М. Матмусаев, У. Расулов, Қ. Алимов, К. Усанов каби посбонларни анча фаол ишлаётганларини айтиб ўтиш мумкин.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ҳар бир хизмат ходими фаол иштирок этиши керак. Биз ана шунга эришишга ҳаракат қилаёмиз. Яқинда “Кўриқлаш” бўлими ходими, милиция старшинаси Бегайиев отасини ўлдириб, қочиб кетаётган Шафиевни вокзалда поезд кутиб ўтирганда ушлаб келди. Ваҳоланки озгина кечиксак қотил қочиб кетаркан. Топгунча анча овозгарчилик бўларди.

Жиноятчиликни камайтиришнинг айрим томонларини айтиб ўтдим. Кўпдан қуён қочиб қутулмас дейдилар. Ҳар бир фуқаро аввало ўзига эҳтиёт бўлиши керак. Жиноятчини, жиноятни кўра туриб индамай кетиш фуқаролик, қолаверса инсонийлик бурчига хиёнат деб биламан. Тўғри айримлар милицияга хабар берсам, жиноятчи мени тинч қўймайди, деб ўйлаб, сен менга тегма, мен ҳам сенга тегмайман, қабилда иш тутишади. Агар хабар берган киши хоҳласа, милиция ходимлари унинг исм-шарифини сир тутадилар.

Жамиятимиз тобора гўзаллашиб, мамлакатимиз равнақига равнақ қўшиляпти. Ана шу гўзал турмушимиздаги ёт иллатларга барҳам берилса, уларни ўз вақтида олди олинса, янада тинч ва хотиржам яшашимизга имкон яратилади. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро ички ишлар ходимлари билан биргаликда ҳаракат қилмоғи керак.

Аҳад САРИМСОҚОВ, Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги.

Бир жиноят изидан

ЭРИНГНИ ЧАҚИРМАСАНГ ҚАМАТАМАН...

Гоҳида шундай жиноятлар ҳам содир бўлиб турадики, улар жамиятга бошқа жиноятлардан кўра минг чандон кўпроқ зиён келтиради. Негаки, бундай жиноятлардан нафақат биргина жабранувчи азият чекади, балки бутун бир соҳа ходимлари ҳам ёмонотлик бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис, Республика ички ишлар идоралари ходимлари бу турдаги жиноий ҳолатларни аёвсиз фош этиб, жиноятчиларнинг қилмишига яраша жазоланишини таъминламоқдалар.

Республика Ички ишлар вазирлигининг ЖКББ уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан фош этилган ушбу жиноят юқоридаги фикримизга мисол бўла олади. Айбланувчи ва жабранувчиларнинг исmlарини ўзгартирдик.

Фарҳод бозоридаги дўкдан совутгич сотиб олиш учун келган Тоҳир ва Сергейни тўсатдан милиция кийимидаги ва унинг ёнида турган фуқаро кийимидаги нотаниш йигитлар чақириб қолишади. Бу йигитлар дўк-пўписа билан уларни четга тортиб машинага ўтказишади. Машинага ўтиргач, Тоҳирнинг қўлидаги сумкасини олиб титкилай бошлайдилар. Шу дам улардан бири сумкадан елим қоғозга ўралган оқ кукунга ўхшаш моддани чиқариб Тоҳирдан бу нима деб сўради. Бу матоҳнинг қаердан келиб қолганидан таажжубланган йигитлар биз бу нима-дигини билмаймиз деган жавобни қилишади.

— Сенлар билмасанглар биз биламиз бунинг нималигини, — дейди милиция формасидаги йигит — Бу героин. Сенлар гиёҳвандлик моддалари билан олди-сотди қиласанлар. Доллар операцияси билан шуғулланасанлар.

Улар, йўқ, бу иш билан шуғулланмаймиз, дейишди барабарига. Бироқ “текширувчилар”нинг шу дам Тоҳирнинг сумкасидаги даста-даста пулларни кўриб хоёллари бузилади ва тузоққа илинган бу йигитлардан мўмайроқ ўлжа ундириш пайига тушадилар.

Вазиятнинг чигаллашиб бораётганига, мабодо шу модда билан жиноят иши кўзгатиладиган бўлса, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қамалиб кетиши мумкинлигига кўзи етган Тоҳир улар нима деса рози бўлади. Улар талаб қилган минг долларни топиб беролмаслигини айтади, бироқ имкон борича топиб беришга ваъда қилади.

Ишнинг ўзлари кутгандек бўлаётганидан севиниб кетган Азиз (милиция кийимидаги) унинг сумкасидаги 200 минг сўмдан зиёд пулларни олиб қоладию, бўйнига яна 200 АҚШ долларини “илиб” қўйиб юборади.

Пулдан айрилган Тоҳир аламига чидой олмасдан дарҳол ИИВ ЖКББга хабар беради. Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлардан сўнг Чилонзор туманида жойлашган “Ватан” кинотеатри ёнида ус-томонлардан бири — Дониёр қўлга олинади.

Ҳа, шу билан жиноятнинг калити топилди. Айти жиноят устида қўлга олинган бу йигитнинг уйдан оқ милиция кўйлагига, буюртма билан тикилган шими, Макаров тўппончасининг ғилофи ва ўйинчоқ тўппонча топилди. Шунингдек, Дониёр билан олиб борилган суриштирув, тергов ҳаракатларидан сўнг унинг Азиз ва Комил исмли шериклари ҳам қўлга олинди. Азизнинг уйи кўздан кечирилганда унинг уйдан ҳам милиция ходимларининг фуражкиси ва кийимлари топилди.

Улар мана шу кийимларни кийиб, Тоҳир ва Сергей сингари фуқароларни кўрқитиб уларнинг пулини тортиб олгани очила бошлади.

Жабранувчи Андрейнинг сўзларига қараганда, у гаражда ишляётган пайтда таниши Азиз милиция формасида келиб қолган. Унинг айтишича, ўша вақтда Азизнинг ёнида тўппонча ғилофи ҳам бўлиб, унинг ичида қурол бор-йўқлигини билмаган.

— Уни формада биринчи бор кўришим эди. Ёнида бир нотаниш йигит ҳам бўлиб, улар мени ўзларининг ойналари қорайтирилган қизил рангли “Жигули” автомашинасига ўтиришимни айтишди. Машинага ўтиргач, улар менга “Сен гиёҳвандлик моддалари билан шуғулланасан, агар бизга 1000

АҚШ доллари бермасанг, ёнингга тиқиб бўлса ҳам сени милицияга олиб бориб топширамиз” — дейишди.

Ўзини Азиз Йўлдошевман, Республика Ички ишлар вазирлигининг коррупция бўлимида ишлайман деб таништириб юрган бу йигит шу йўл билан таниши Андрейнинг уйига бориб, унинг хотинига ҳам дўк-пўписа қилган.

Андрейнинг хотини Наташа биз билан суҳбатда шундай деди: “Мен уйда ўтирган эдим. Эшик кўнғироғи жиринглади. Мен эшикни очдим. Қарасам бир йигит турган экан. У мендан эримни сўради. Сўнгра бирдан менга дўк-пўписа қилиб, мен жиноят-қидирувданман, агар ҳозир эрингни чақирмасанг милиция нарядини чақираман. Ўзингниям, эрингниям қаматаман, деди.

Шу пайт мен эшикни ёпмоқчи бўлганда у оёғини эшик орасига тиқиб эшикни ёпишимга йўл қўймади. Мен эримни чақирдим, улар гаплашиб қолишди. Ўзим ичкарига кириб кетдим. Кейин билсам, эримдан пул талаб қилган экан”.

Бола азиз, одоби ундан азиз, дейди доно халқимиз, Наҳотки, уларнинг ота-оналари фарзандларининг бу қилигидан беҳабар бўлишган? Очигини айтганда, улар пулга зорикқанидан бу ишга қўл уришмаган. Тўқликка шўхлик уларни шу қабохатга етаклаган. Сабаблар қандай бўлмасин, улар содир этган жиноий ҳолат фуқароларга зиён, элимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашни зиммасига олган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг обрўсига путур етказар экан, уларни асло кечириб бўлмайди.

Уларга тегишли жазо белгиланади.

**Шухрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази
ходими.**

НОПОКЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Кейинги пайтларда ички ишлар идоралари ходимлари шаънига айтилаётган ҳар хил танкидий ва салбий фикрлардан кўз юмиб бўлмайди. Гуруч курмасиз бўлмаганидек, милиция ходимлари орасида ўз шахсий манфаати учун хизмат кийимида юрадиган, қонун ва қондалардан ўз нафси учун фойдаланадиганлар йўқ эмас. Милиция сафини бундай иллатли кишилардан тозалаш зарур, албатта. Ўғлининг форма кийиб, алп қоматини кўз-кўз қилиб юрган ота-оналар уларнинг ноҳўя ишларидан хабардорми? Агар билсалар қандай йўл тутадилар? Ҳалол, пок виждон билан хизмат қилиб кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлаётган йигитларнинг ота-оналари-чи?

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан ташкил этилган навбатдаги тадбир ана шу масалани ўз ичига олди. Вилоятдаги барча давлат автомобиль назорати хизмати ходимларининг ота-оналари, оила аъзолари таклиф этилиб, улар билан очиқчасига гаплашилди.

Тадбир аввалида ДАН ходимининг ҳайдовчи билан мулоқотини яширин равишда тасвирга туширилган тасмалар кўйиб берилди. Унда ҳайдовчидан пул олаётган, хизмат мавқеини суистеъмом қилаётган ходимлар кўрсатилди. Шуни айтиш керакки, ана шундай нопок ходимлар милиция сафидан чиқариб юборилди.

Кейин эса эл-юрт осойишталигини сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, турли хил жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашда фидойилик кўрсатаётган ходимларнинг ота-оналарига ИИБ раҳбарияти номидан ташаккурнома билдирилди. Айниқса, намунали хизмат қилаётган милиция ходимларининг исм-шарифлари янграганда йиғилганлар қарсақлар билан кутиб олишди. Уларнинг ота-оналари, оила аъзолари, фарзанди, ёри билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

— Биз ходимларнинг маънавий дунёсини юксалтириш, фидойи, ҳалол ва пок бўлиш каби фазилатларни юксалтиришга ҳар қанча эътибор бермайлик, ҳар қанча қилмайлик, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари томонидан ҳам тарбиявий иш-

лар олиб борилмаса барча ишлар зое кетиши мумкин, — деди вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Фурқат Тошпўлатов. — Фарзанд улғайиб, бола-чақали, ҳатто неварали бўлганда ҳам ота-онанинг насиҳати, унинг таъсири ўзгача бўлади. Биз, ўзбеклар ота-оналарни ҳурмат қилиб, уларнинг панд-насиҳатларидан четга чиқмасликка ҳарқат қиламиз. ИИБ раҳбарияти ана шуни ҳисобга олган ҳолда айрим ДАН ходимларининг хизмат интизоми, қонун-қоидаларни бузаётганлиги учун, ота-оналарининг таъсирини кучайтириш мақсадида шу тадбирни ташкил этди. Албатта, ҳеч бир ота-она ўз фарзандининг қонунбузарлик қилиб, ишдан бўшаб кетиши, нопок йўл билан пул топиб фарзандлик бурчини адо этишини истамайди.

Ўтказилган бу тадбирнинг аҳамиятини таърифлаб ўтишнинг ҳожати йўқ, албатта. Энг муҳими, ички ишлар ходимлари орасида нопок кимсаларнинг бўлмаслиги, милициянинг эл-юрт олдида обрўси ошишига хизмат қилади. Дастлабки натижалар ана шундан далолат беради.


Ўз мухбиримиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА


Шўрчи тумани ички ишлар бўлими томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган куйидаги шахслар қидирилмоқда.



Авазов Альберт Атоқулович, 1966 йилда туғилган. Шўрчи шаҳар Т. Элмуродов кўчаси 64-уйда яшаб келган. Оилали, уч нафар фарзанди бор.
Белгилари: бўйи 165–170 см, тўладан келган, сочи қора, қошлари қалин, мўйлови бор, буғдойранг, тижорат ишлари билан шуғулланади.



Бойматов Ҳайдар Исмоилович, 1967 йилда туғилган. Шўрчи тумани “Совжирон” жамоа хўжалиги Совжирон маҳалласида яшаб келган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор, илгари судланган.
Белгилари: бўйи 170–175 см, новчадан келган, сочи қора, қошлари ёйсимон, сарқол қўйган бўлиши, ўзини мулла ёки эшон деб таништириши ва масжидларга бориб юриши мумкин.



Равшанов Холикул Жўраевич, 1974 йилда туғилган. Шўрчи шаҳар А. Набиев кўчаси 56-уйда яшаб келган. Бўйдоқ, илгари судланган.
Белгилари: бўйи 170–175 см, тўладан келган, сочи қора, қоши ёйсимон, мўйлови бор, кўзлари қора.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ОРАСИ БИР ҚАДАМ

Куз келиб хазонрез боғларга жимлик чўқди. Япроқлар ширт этиб узилди-ю, ерга тушди. Дарахтлар, бугун сизнинг қаршингизда туриб уйга толаман. Сизку, баҳор келиши билан яна ям-яшил қўйлагингизни киясиз, яна тотли мевалар берасиз.
Автохалокатга учраб, бу дунёдан бевақт кўз юмган инсонлар эса оппоқ тонларни қарши ололмайди. Улар фожиали қисмат туфайли мангуликка умрбод бош қўядилар.

Автофалокат оқибатида тахминан соат 18.00лар атрофида Бухоро вилояти, Вобкент тумани Р. Ҳусенов жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган “Самарқанд – Бухоро – Туркменистон” йўналишидаги автомобиль йўлида фалокат рўй берди. “Вобкент” наслчилик ижара хўжалигига қарашли, ҳайдовчи Садриддин Раззоқов бошқарувидаги ЗИЛ-133-ГЯ русумли автомашина олдинги қисми билан йўлнинг ўнг томонида тўхтаб турган Баҳодир Воҳидовга тегишли “Москвич-412” русумли автомашинанинг орқа қисмидан уриб, ўз ҳаракатини давом эттиради ва олдинроқда йўлнинг четки қисмида тўхтаб турган Нуриддин Фазлиевга тегишли “Москвич-2141”

русумли автомашинанинг ҳам орқа қисмидан уриб, уларни йўлнинг четига суриб тўхтади. Натижада “Москвич-412” русумли автомашина салонининг орқа қисмида ўтирган Ғиждувон шаҳар Улфатбиби кўчасида яшовчи Н. Фазлиев, Ойдин Ҳасановалар ҳалок бўладилар.
Йўл-транспорти ҳодисаси содир бўлишига ҳайдовчи С. Раззоқов томонидан автомашинада ҳаракатланиш хавфсизлигига раҳна солувчи техник носозликлар сабаб бўлган, йиллик техник қуриқдан ўтказилмаган автомашинани спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқарган
Шундай автофалокатлардан яна бири соат 19.45лар чама-сида Жондор тумани Н. Ража-

бов жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб келаётган ВА3-2105 русумли Рамиз Турсунов бошқарувидаги автомашинага Мехриддин Комилов ўзига тегишли “Восход 3М” русумли мотоциклини ҳаракат оқимига қарама-қарши йўналишда, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқариши оқибатида тўқнашади. Натижада мотоциклда бораётган уч ака-ука воқеа жойда ҳалок бўлади. Бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоятимиз автомобиль йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорти ҳодисалари ДАН ходимлари ҳамда бутун жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солиб келмоқда.
Халқ хўжалигига қарашли транспорт воситаларини бошқарган 66214 нафар қоидабузар ҳайдовчилар ДАН ходимлари томонидан аниқланган. Шундан 39019 нафари кўпол қоидабузарликлардир 545 ҳолатда эса маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик аниқланган.
Вилоят ҳудудида йўл-транс-

порт ҳодисаси натижасида 95 киши бевақт ҳаётдан кўз юмган, 337 фуқаро турли хил тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган. Шундан ёш болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 16 нафар вояга етмаганлар ҳаётдан эрта кўз юмиб, 84 нафари турли тан жароҳати олган.
Айниқса, халқ хўжалигига қарашли транспорт воситалари иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари нафақат ДАН ходимлари, балки бутун жамоатчилик диққатини ўзига жалб этмоқда.
Бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ДАН ходимлари томонидан ўрганиб чиқилганда, уларнинг аксарияти ҳайдовчиларнинг айби билан содир бўлаётганлиги аниқланди. Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини кўпол тарзда бузилиши спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда ҳамда техник носоз транспортни бошқариш эканлиги маълум бўлди.
Оғир оқибатли йўл-транспорти ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш, асосий эътиборни транспорт воситаларининг техник ҳолатига қаратиш барчамизнинг олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.
**О. РОПИЕВ,
милиция лейтенанти.**

ПОСБОНЛАР "ГУЛБОЗОР"ДА КҮРИШИШДИ

Милициянинг ишончли таянчи

Мардон ака навбатдаги иш кунини бошлашдан аввал халқ посбонлари билан маслаҳатлашиб оладиган одати бор. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Кимда қандай мулоҳаза, таклифлар бор? — деди у йигитларга юзланиб.

— Кеча бозорда ҳуқуқбузарликка мойил уч-тўрт ўспирин яна айланишиб қолганини пайқаб қолдим, — деди Воҳид Муҳамедов.

— Улар кийим-кечак сотилаётган расталарни айланиб юришганини мен ҳам кўрдим, — деди Ботир Холбоев. — Бироз кузатишимга тўғри келди. Яна бир нарса. Бозордан мушак сотиб олиб, маҳаллада одамларнинг асабига тегаётган болалар пайдо бўлди. Ота-оналар билан суҳбат ўтказиш керакка ўхшайди.

— Яхши таклиф, — деди Мардон ака Ботирнинг фикрини маъқуллар экан. — Шу бугун оқсоқол билан гаплашаман. Яна қандай гаплар бор?

Хуллас, шу кун талайгина масалалар муҳокама қилинди, қилинадиган ишлар, режалар юзасидан келишиб олинди. Мардон ака ҳар бир посбонга алоҳида топшириқ берар экан, бозорда диний-экстремистик оқимга мансуб кишиларнинг варақалар, игво гаплар тарқатишига йўл қўймаслик, ҳушёр бўлишни тайинлади.

Профилактика катта инспектори уларни кузатиб, туман ички ишлар бўлимига тақдим этиладиган ҳужжатларни кўздан кечириётган эди, бир аёл изн сўраб хонага кириб

олдириб қўйдим. Барака топкур, ўғрини топишга ёрдам беринг.

Мардон ака аёлдан керакли маълумотларни ёзиб олди, қачон учрашишини айтди.



келди. Унинг кўриниши ташвишли эди.

— Бозорга ул-бул харид қилгани тушгандим, — деди аёл ўзини Зулфия Мунбекова деб таништирар экан. — Расталарни кўздан кечириётиб бехос чўнтагимга кўлимни суқиб, юрагим "шиг" этиб кетди. Қарасам 45 минг сўм пул қўйган жойимда йўқ. Бирор кор-ҳолимага яраб қолар, деган умидда бир сўмлаб йиққан эдим. Бир пасда киссавурга

Ўзи эса маҳалла посбонлари Санжар Бекмуҳамедов ва Хусниддин Ҳороловлар билан бир-бир жиноятчини қўлга олиш чораларини кўрди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида ўртачирчиқлик С. Акмал ўғирликда айбланиб, қўлга олинди.

Эртасига посбонлар "Гулбозор" маҳалласида кўришишди. Маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Бузруков маҳалла аҳлини йиғиб, йиғилишни очар экан, суҳ-

бат мавзуи ёшлар ўртасида рўй бераётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бўлишини айтди. Сўз олган Мардон ака кейинги пайтда маҳалла посбонлари кўмағида турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олди олинаётганини гапириб, талайгина мисоллар келтирди. Ҳозирда фаоллар билан посбонлар ҳамкорлиги айниқса муҳим эканлигини таъкидлади.

— Ҳақиқатан ҳам "Сиз қонунни биласизми?", "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?", "Ўз уйингизни ўзингиз асра!" каби мавзуларда ташкил этилаётган мулоқотлар ўз самарасини бермоқда, — деди Бахтиёр ака. — Аммо эришилган ютуқлар билан чеғараланиб қолмаслигимиз керак. Бу хайрли ишга жамоатчиликни кенг жалб этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Шундан сўнг маҳалла посбонлари ҳам сўзга чиқиб, кўрилаётган масала бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Бугунги кунда пойтахтнинг Шайхонтохур туманидаги профилактика катта инспектори, милиция майори Мардон Ражабов раҳбарлик қилаётган участка милиция таянч шохобчаси ҳудудида тўрт минг

аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ва "Чорсу" бозорида олиб борилаётган профилактик тадбирлар, шунингдек пост-патруль ҳамда ҳаракат хавфсизлиги хизматлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани туфайли жиноятларнинг олди олинаяпти.

Айни пайтда мазкур милиция таянч шохобчасида ўн икки нафар маҳалла посбонлари фаолият кўрсатмоқда. Улар кўмағида 15та жиноят очилди. Масалан, Марказ-15, 11-уйда яшовчи Ж. Ҳабибулло бозордан нархи 40 минг сўмдан ортиқ бўлган чарм курткани ўғирлаганда ашёвий далил билан ушланди.

— Мардон ака босиқ, ишнинг кўзини биладиган, ўз касбига ихлос қўйган ходимларимиздан, — деди Шайхонтохур тумани ИИБ бошлигининг муовини, милиция подполковниги И. Азаматов. — Маҳалла посбонлари билан ишлашни ҳам яхши йўлга қўйган. Шу боис у бошқараётган ҳудудда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Суратда: милиция майори Мардон Ражабов маҳалла посбонлари Воҳид Муҳамедов ва Ботир Холбоевлар билан.

Аҳмаджон САПАРМАТОВ олган сурат.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Қирғули туман ИИБ томонидан қуйидаги топилган мурдаларнинг шахси аниқланмоқда.

1999 йил 12 июнь кунини соат тахминан 20-30ларда Қирғули туман Шифокорлар кўчаси 16-уй ертўласида жароҳатсиз осилган ҳолда номаълум эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: ёши тахминан 35-40 ёшларда, бўйи 190-192 см, гавда тузилиши ўртача, Европа миллатига мансуб, мўйлови бор.

Кийимлари: эгнида қора рангли қизил гулли пахта матосидан қўйлак, оёғида қора рангли дермантин туфлиси бўлган. Чап ва ўнг қўлида татуировкалар мавжуд.

1997 йил 24 июнь кунини кундузи соат тахминан 8.00ларда Қирғули туман "Дўстлик" кинотеатри биносини орқа томонидаги дехқон бозори пештахта ичида жароҳатсиз номаълум аёл кишининг жасади топилган.

Белгилари: ёши тахминан 35-40ларда, бўйи 160-162 см, гавда тузилиши ўртача, Европа миллатига мансуб, сочига оқ оралаган.

Кийимлари: эгнида оч қизил рангли, узун энгли қўйлак, кўк рангли олди тугмали жемпер, оёғида оқ рангли пайпоқ, оч жигарранг оёқ кийим бор.

Юқорида шахси номаълум бўлганларни таниган ёки билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ҚАБРИСТОНДАГИ ТУНГИ ШАРПАЛАР

Қабристонга одатда одамлар зиёрат учун, ўтганлар руҳини ёд этишга, шод этишга боради. Баъзан киши бу дунё савдоларидан безор бўлганда умрнинг ўткинчилигига амин бўлиш ниятида, боринги, босар-тусарини билмай қолганда ўзини тутти олиш, сўнгги манзилни кўриб қўйиш учун боради. Нима бўлганда ҳам, одамзод қабристонга дунё илнжиди, нафс ҳавосига учиб келиши керак эмас. Лекин келаркан.

Шу йил 5 октябрга ўтар кечаси Тошлоқ туманилик Қ. Б. ва А. А. Садда фуқаролар йиғини ҳудудидаги қабристонни "зиёрат" қилишга келишди. Қайтишда қуруқ кетмайлик деб 50 килограммча алюмин панжарани кўчириб

олиб кетишганда туман ИИБ ходимлари йўлларини тўсишди.

Баъзиларнинг кўнгли бошқа туманлардаги қабристонларни зиёрат қилишни тўсди. 30 октябрга ўтар кечаси марғилонлик Қ. К. боши айланиб Тошлоқ тумани Найман фуқаролар йиғини ҳудудидаги қабристонга келиб қолди. Бир ўзи бўлишига қарамай бу азамат 123 килограммлик алюмин панжараларни кўчирди. Газетхонлар қанақа панжаралар ҳақида гап кетаётганини англаган бўлса керак. Ҳа-ҳа, майитлар оёқ ости бўлмаслиги учун қабр атрофи ўраб қўйиладиган панжаралар.

Қувасой шахрилиқ икки қоровул ҳам "топқирлик"да юқоридагилардан қолишмас

экан. Улар "виждони қийналмаслиги учун" бўлса керак, қабрларга тегишмади, қабристон йўлкаларига ўрнатилган алюмин скамейкалардан 10.000 сўмлигинигина ўмаришга улгуришди. Шу пайт келиб қолган милиция ходимлари "Ҳорманлар, азаматлар!" дейишганида, "азаматлар"нинг жавобга тили айланмай қолди.

Одатда, ўтганларнинг руҳи безовта бўлмасин деб, улар ҳақда ё яхши гапиришди ёки умуман гапиришмайди. Марҳумларнинг оромини бузиб, хотирасини оёқости қилган бу тунги шарпаларнинг қилмишига сиз нима дейсиз?

М. АҲМАДАЛИЕВ, Фарғона вилояти ИИБ ЖҚБ бошлигининг ўринбосари.

ОСИЛСАНГ СИМГА ОСИЛ

Бозор иқтисоди қандай бўлса ҳам, ҳамма нарсадан пул ясаш дегани эмас. Афсуски, буни англаб етмаганлар ҳам учраб турибди. Сўнгги пайтда уларнинг ичида симдан, кабелдан пул қилишга уринаётганлар кўпайиб қолди.

Фарғона шахрилиқ ҳеч қаерда ишламайдиган А. Х. ҳамшахри — "Баркамол" ҳиссадорлик жамияти ишчиси У. Х. билан тил бириктириб, шу жамиятга қарашли автокорхонадан ўн минг сўмлик алюмин симларни ўмараётганда қўлга тушишди.

Хавотирлиси, ўғирликка вояга етмаган ёки энди балоғатга етганларнинг руҳу қўйишидир.

Шу "хунари" учун муқаддам судланган касб-хунар лицейи ўқувчиси У. Э нинг Уч-кўприк тумани электр тармоқлари идораси биносидан 4190 сўмлик алюмин симни,

ёнига қўшиб 40 литрлик алюмин флягани, Фарғона шахрилиқ ҳали вояга етмаган Р. А эса электростанциядан 126 минг сўмлик 300 м алюмин симни ўғирлашган. Ҳар икки ўғирлик ҳам тунда содир бўлган. Наҳотки, уларнинг ота-оналари "Фарзандим қаерларда санғиб юрибди?" деб хавотир олишмасе? Ёки ўғлим нима қилиб бўлса ҳам пул топиб келса бўлди деб кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишармикан улар?

Сим ишқибозларининг телефон симларига, кабелларига ишқи тушганлари ҳам бор. Фарғона шахрилиқ Р. И. "Фарғонателеком" акционерлик жамияти омборхонасидан 17 минг сўмлик, Тошлоқ туманилик С. А эса ўз қишлоғидан ўтган 155 метр телефон симини ўғирлашганда тутилишди. Бу рўйхатни яна давом этти-

риш мумкин. Осилсанг баланд дорга осил деб, кўтарма кранларнинг кабел ўрамларини, ҳатто трамвай тармоқлари симларини ўғирлашни жазм қилганлар бор. Усуллар ҳар хил бўлгани билан, моҳият бир хил — ўзгалар мулки, жамоатчилик бойлиги ҳисобига қоринни қаппайтириш, нафсини қондириш. Оқибат ҳам бир хил — қора курси, пушаймонлик, ўз тақдирини абгор қилиш. Лекин барчасини номаном санашнинг ҳожати бормикан. Муҳими, энди бу ишга қўл уришни кўнглига туққанлар билиб қўйсин, юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг барчаси қилмишидан пушаймон. Афсуски, бир оз кеч бўлди.

Б. ОМОНЗОДА, вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими.

Тантана

Яқинда Урганч шаҳар марказидаги Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги мажмуасида ички ишлар идораларига қабул қили-

ни сақлашдек муқаддас ишга киришасиз. Ишончим комилки, Сизлар ҳам буюк боларимиз сингари халқ учун жон фидо

ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШДИ



қиладиган, муқаддас тупроқ, Она-Ватанни кўз қорачигидек асрайдиган довурак посбонлар бўлиб етишасиз.

Тантанада сўз олган истеъфодаги милиция полковниги Отабой Искандаров, ота-оналар номидан Эркабой Собиров, Мадомин Собировлар халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли касб ҳақида, унинг масъулияти тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар.

Сўнгра ҳаяжонли дамлар бошланди. Эл осойишталиги йўлида хизмат қилишга бел боғлаган ёш йигитлар қасамёд қабул қилишди. Уларни вилоят ИИБ раҳбарияти, ички ишлар идоралари фахрийлари, ота-оналар самимий қутлашди.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

наётган ёш ходимларнинг қасамёд қилишларига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тантанани вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ш. Иброҳимов очди.

Шундан сўнг вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Худойберганов сўзга чиқиб, ёш ходимлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида гапирди.

— Ўзбек заминиди дунёга довуруғи кетган буюк зотлар жуда кўп. Улардан бири Жалолиддин Мангубердидир. Биз бугунги маросимни айнан шу буюк зот қадамжосида ўтказаятганимиз ҳам бежиз эмас. Бу довурак инсон атига 32 йил умр кўрди. Ана шу қисқа умрининг 11 йилини Она-юрт, муқаддас тупроқни босқинчилардан сақлашга сарф қилди. Бетакрор қаҳрамонликлар кўрсатди. Сизлар ана шундай жасоратли халқ фарзандларисиз. Мана бугун қасамёд қабул қилиб, халқ осойишталиги-



Кутлаймиз!

ЎЗ БУРЧИГА СОДИҚ ИНСОН



Дмитрий Михайлович Бальян ички ишлар идораларида илк бор фаолият кўрсатганига олти йил бўлди. Ушанда, 39-йиллар ўлкалараро мактабни битиргач, тезкор вакил бўлиб иш бошлади. Иккинчи жаҳон уруши охирида пайтда эса бўлима бошлиғи этиб тайинланди. Унинг тезкор ишларида тўплаган тажрибаси туман бўлимига раҳбарлик даражасига кўтарилишига олиб келди. Бундай лавозимга Молдавияда, уруш тугагач, икки йилдан кейин эришди. Раҳбарлик лавозимида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намойиш этган Д. Бальян вазир ўринбосари, кейинчалик вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

1964 йилдан бошлаб тақдир Д. Бальянни бизнинг республикамиз билан боғлади. Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг муовини бўлиб фаолият кўрсата бош-

лаган Дмитрий Михайлович содир этилган жиноятларни очиш, иқтисодиёт соҳасидаги талон-торожликлар ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашишга кўп куч-ғайрат сарфлади, тезкор хизмат давомида тўплаган тажрибасини ёшлар билан ўртоқлашди. 1965 йилда Д. Бальян пойтахт милициясига ўтказилди. У бошқарма бошлиғининг муовини бўлиб ишлаб, Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда фаоллик кўрсатди.

Дмитрий Михайлович ўз хизмати давомида юксак маданиятли, масъулиятни чуқур ҳис этадиган милиция ходими эканлигини намойиш этди, кўрсатган мардлиги ва жасурлиги учун бир неча марта ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Унинг беқиёс ғамхўрлиги ва хайрихоҳлиги туфайли талайгина ёшлар милиционерлик касбига ихлос қўйиб, ишини пухта эгаллаб олишди.

Республика ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Дмитрий Михайлович Бальянни муборак 80 ёши билан қизгин қўллаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

КЕКСАЛИКНИ ТАН ОЛМАЙ...

Расул ака Тошкент Тиббиёт институтининг 3-курсда ўқиб юрганида — 1939 йиллари институтда кўнглили талабаларни ҳарбий-тиббий академияга қабул қила бошлашди. Уруш бошланган бўлса ҳарбий шифокор сифатида фронтга отланишни кўнглига туккан Расул ака ҳеч иккиланмай ҳарбий-тиббий академияга ўқишга жўнади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида у тайёр ҳарбий шифокор бўлиб шаклланди. 1941 йил декабрида уни ўзбек миллий ҳарбий қисмларини ташкил қилишга кўмаклашиш учун Фарғонага юборишди. Ана шу ерда у кейинчалик қиёматлик дўст бўлиб қолишган Рауф Холматов билан танишди. Рауф Холматов ўшанда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси тиббий хизмат бошлиғи эди. Улар уруш тугаб, дорилмон кўнларга етишган бирга хизмат қилишни ният қилишди.

Фронтда Расул ака ҳарбий жамоа шифокори, ҳарбий-тиббий бўлима сардори, тиббий хизмат бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. У уруш йиллари жуда катта ташкилотчилик тажрибаси орттирди. 1948 йилда ҳаракатдаги армиянинг қон куйиш бўлими бошлиғи лавозимида ҳарбий хизматни тугатиб жонажон юртига ёруғ юз билан қайтди.

Қавм-қариндошлар, ошна-оғайнилар билан дийдорлашгач, қадрдон дўсти Рауф Холматовичнинг маслаҳати билан республика ИИБга ўз соҳаси бўйича ишга ўтишга қарор қилди. Суронли уруш йиллари икки дўстнинг қилган нияти

халис экан, Расул акани ИИБнинг Рауф Холматович раҳбарлик қилаётган поликлиникасига бошлиқ ўринбосари этиб тайинланди. Кўп ўтмай Рауф Холматов вазирлик тиббий хизмати бошлиғи этиб тайинлангач, унинг тавсияси билан поликлиникага бошчилик қилишни Расул акага ишониб топширишди.

Расул ака поликлиникадаги ҳозирги замонавий шарт-шароитлар, техник таъминот билан ўша даврни солиштириб:

— Ука, одамда хоҳиш, куч-ғайрат бўлса, тоғни талқон қилса бўларкан. Бутун бошли поликлиникада бор-йўғи битта машина бор эди. Врачлар тушгача беморларни қабул қилишса, тушдан кейин бириктилган участкаларини айланиб хизмат кўрсатишарди. Шифокорлар камлигидан, ҳар бирига бир нечадан худуд бириктирилди. Нолешмасди, эплашарди, — дейди.

1954 йилда ИИБ шифохонаси очилгач, муассасанинг янгилиги ҳисобга олиниб, Рауф Холматович унга раҳбар этиб тайинланди. Фронтда тўплаган ташкилотчилик тажрибасини назарда тутиб, вазирликнинг тиббиёт хизматида бошчилик қилишни Расул акага ишониб топширишди. Ана шу тариқа икки дўст бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиб узоқ йиллар хизмат қилишди. Айниқса, бу янги лавозимда Расул аканинг раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятлари бор бўйи билан намойиш бўлди.

Шу пайтгача Нукус, Фарғона, Андижон шаҳарларидагина

амбулаториялар фаолият кўрсатган бўлса, Расул Иноятнинг раҳбарлиги даврида кўплаб вилоят марказларида поликлиникалар ташкил қилинди, амбулаториялар очилди. Барча тиббий муассасаларнинг ҳар томонлама таъминоти яхшиланди. Булар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Вақти келганда унга ўз фикрини далиллар билан исботлашига, баъзан танбех эшитишга, асабийлашишга тўғри келди.

Расул ака 1961 йилдан республика Ички ишлар вазирининг ёрдамчиси вазифасига ўтказилганида ҳам қадрдон соҳасини унутмади, ходимларнинг соғлиғини сақлаш муаммоларига доимо эътибор бериб келди.

Уруш асоратлари, хизмат қийинчиликлари исзис кетмади. У 1967 йилда соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли тиббий хизмат полковниги унвонида нафақага чиқди.

Ишлаб ўрганган, ўз соҳасини севган киши қўл қовуштириб уйда оёқ узатиб ўтиролмас, чойхонама-чойхона юриб вақтини ўтказолмас экан. Расул ака уйда тез зерикди, боре деб яна ишга тушиб кетди. У 1984 йилгача республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган бўлса, 1984 йилдан то шу пайтгача гематология ва қон куйиш илмий текшириш институтида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Қиёматли дўсти Рауф Холматов билан борди-келдилари узилгани йўқ, аксинча, энди оилавий борди-келдига айланган.

Мақоланинг шу жойигача

Тўйхат ўрнида



қахрамонимизни "Расул ака" деб атаганимга газетхон "Ака-хоннинг ёшлари нечада экан?" деб қизиқаятандир. У киши бу йил саксонни чарчатдилар, лекин ўзлари ҳали бақувват. Кўз тегмасин. Энди "ота" дея қолай, Расул ота бир ўғилу бир қизнинг севимли отаси, уч неварая икки эваранинг суюкли бобошониси. Болаларини ҳам эл-юртнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбияладилар. Қизлари Лайло опа Болалар психоневрологик санаторийсининг буст шифокори, ўғиллари Рошан Иноятнинг республика Миллий Хавфсизлик Хизмати-нинг раиси.

Мукофотларини тилга олмаганимга ҳайрон бўлманг, яхшиси сонини айтай. У киши тўрт орден ва ўн саккиз медал соҳиби, тақсалар, икки кўксилари ҳам тўлади.

Кутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, тўқсонни йикитиб, юздан ошиб, ўшанда ҳам ҳозиргидай тетик-бардам бўлиб неварая эвараларнинг орзу ҳавасини кўриб, эл-юрт ҳақида дуо қилиб юраверинг, Расул ота!

Бобомурод ТОШЕВ.

ХИЁНАТ — ЖИНОЯТ

Яқинда Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган олтин тўйда катнашиш менга насиб этди. Беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказиб, жамият учун зарур касбларга ўқитган ва муносиб ишга жойлаштиришга кўмак берган Абдулла ота ва Роҳила аяларнинг турмуш кўнларига эллик йўл тўлибди. Фарзандлари, неварая ва эваралари атрофида гиргиттон бўлаётган кексаларга қараб ҳавасингиз келади. Ноябрь ойининг салқин кўнларига қарамай ҳовлига ёзилган дастурхон атрофида қариндош-уруғ, қанда-анда, яқин ёру биродарлар хушқайфиятлик билан олтин тўйни нишонладилар.

Янги турмуш қураётган ёшларга нисбатан кўша қаринлар дея дуо ўқилади. Абдулла ака ва Роҳила аяларнинг никоҳ кечаларида ҳам қариялар ана шундай оқ фотиҳа берганлари шубҳасиз. Кўнгли тоза, қалби пок инсонларга нисбатан ай-тилган дуолар ижобат бўлгусидир. Жамиятимизда бир умр бир-бирига садоқатли бўлиб бўлганларга нисбатан ай-тилган дуолар ижобат бўлгусидир. Жамиятимизда бир умр бир-бирига садоқатли бўлиб бўлганларга нисбатан ай-тилган дуолар ижобат бўлгусидир. Жамиятимизда бир умр бир-бирига садоқатли бўлиб бўлганларга нисбатан ай-тилган дуолар ижобат бўлгусидир.

Кўлсоатовлар оиласи аввалига жуда иноқ яшадилар. Мурод ҳам, Танзила ҳам зиёли бўлганлари учун оилавий маданиятга қатъий риоя этишга ҳаракат қилишарди. Орадан йиллар ўтиб Танзиланинг хатти-ҳаракати ўзгара бошлади. Аёлдаги ўзгаришларни аввалига эри тушунмади. Секин-аста Танзила ҳақида турли гаплар эшитила бошлади. Уни тартибга чақирмоқчи бўлган

Мурод балога қоларди. Танзила уни беҳурмат қилиб, аюханос соларди.

Мурод Танзиланинг хиёнат қилаётганини аниқ билди. Бирок фарзандлари ҳаққи инсофга келиб қолар дея, аламини ичига ютди. Танзила эса охириги пайтда ишдан бўшаб, тижорат ишларига киришиб кетганди. У Муродни умуман менсимас, кўп пул топаётгани, рўзгорни ўзи тебратаётганини пеш қилиб, чидасанг шу, йўқса катта кўча дерди.

Охириги воқеа Муроднинг суяк-суягига қадалди. Телевизор кўриб энди ўринга ётишган эди, эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Эшикни очган Танзила, ҳозир чиқаман, дея шошиб кирди-да кийина бошлади.

— Қаёққа кетяпсан ярим кеча бўлиб қолди-ку.

— Дугонаманикига, эртага яхши мол келаркан гаплашиб келаман.

— Эртага бора қолмайсанми?

— Ётавермайсизми, нима ишингиз бор, қачон боришим билан, жарақ-жарақ пул турганда, уйку келармиди.

Танзила икки соатлардан кейин қайтиб келди. Унинг оғзидан ароқ ҳиди келарди. Мурод нима бўлганини фахмлади-ю, ичидан аламли инграш чиқди.

— Яна уйнашларга борибсан-да, жуда бўлмаса болаларни ҳурмат қилсанг-чи.

— Тергайверишингиз жонимга тегди, тинч кўясизми-йўқми? Эр-хотин жанжали анча давом этди. Мурод ўзини кўярга жой тополмасди. Кўшни хона-

да ётган мўйлови сабза уриб қолган ўғли бир-икки эшиқдан мўралади-ю, бир нарсая дейишга ботинолмай яна ётоғига кириб кетди. Кичкина қизалоғи эса тез-тез бўлиб турадиган бу жанжалга кўникиб қолганми, индамай пишиллаб ухларди.

Танзила жанжалдан боши оғриб, ошхонага чиқди. У музхонани очиб, кеча меҳмонлардан қолган озгина ароқни симирди-да, газাগига тарвуз еди. Кейин столга ўтириб, бошини чангаллаганча узоқ ўтирди. Унинг хаёлида дугонаси Тамаранинг гапи чарх урарди.

— Дугонажон, шу бечораҳол эрингни баҳридан ўтиб кўя қолсанг-чи. Мана мени қара эримдан ажраб ёмон бўлдимми. Болаларни детдомга топширдим, ўзим юрибман ялло қилиб, яхшилаб ноз-карашма қилсам не-не эркалар атрофимда парвона.

Танзила тез-тез бўлиб турадиган оилавий жанжаллардан чарчаганди, лекин у ўзини айбонламади. У Тамаранинг гапини яна эслади-да, ғаладондан пичоқни олди. Аввалига юраги ҳаққириб, пичоқни олган жойига қўйди. Ғаладонни ёпганди, гўё ҳеч нарсая ўзгармади-ю, эртага яна Муроднинг тергашлари, жанжаллари давом этадигандай туюлди. Кўз олдида Муроднинг қўлини мушт қилиб, дўқ уриши, болаларни пешлаб, айбини юзига солиши, ҳақоратлаши келди. У шахд билан пичоқни яна олди-да ётоқхонага кирди. Мурод хали ухламаганди. Кўзини юмганча хаёлга берилиб, шу тобда у Танзила билан биринчи учрашувлари, беғубор ўтган йилла-

ри, биринчи фарзанд кўрганларидаги қувончлар кўз олдида ўтарди. У хотинининг кирганига эътибор бермади, кўзини юмганча ётаверди. Танзила эса уни ухлагани фахмлаб қўлидаги пичоқни нақ юрагига санчди. Мурод бир инградио, тинчиди.

Муроднинг юрагидан отилиб чиққан қонни кўрган Танзила кўрқиб кетди ва бир ҳайвоний чинқирқ билан ортига тисарилди. Унинг овозидан уйғониб кетган қизчаси бақириб йиғлай бошлади. Қўшни хонадан чиқиб келган ўғли онасининг қўлидаги пичоқни кўриб даҳшатдан қотиб қолди. Танзила нима қилиб қўйганини фахмлади-да, ўғлини қучоқлаганча йиғлай кетди:

— Ўғлим, отангни ўлдириб қўйдим, энди нима қиламиз.

Бироз кўз ёши тўққан Танзила ўзига келиб, ўғлига уқтира бошлади:

— Гапимиз бир ердан чиқсин, уйимизга ўри тушди деймиз, икки киши никоҳда кирди, пул топиб бер, деди, дадам пул бермагандилар пичоқлаб, кетишди, дейсан. Кейин деразадан тушиб қочиб кетиши деймиз.

Танзила қўлидаги пичоқни ташқарига улоқтирди-да, Муроднинг кўкрагидан оқаётган қонлардан қўлини бўяб дераза раҳига сурди. Гилам, полларга сачратди. Кейин кўни қўшниларга чопди.

— Биз қотиллик ҳақидаги маълумотни олган заҳоти, тезкор гуруҳ билан етиб бердик, — деди Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Р. Худойберганди, — хонадон соҳибаси икки номаълум киши никоҳ кийиб, деразадан тушгани ва пул талаб қилиб уларни кийнагани, охир оқибатда эрини пичоқлаб, қочиб кетганини айтди. Экспертлар, терговчилар, жиноятқидирув хизмати ходимлари

хонадаги манзарани чуқур ўргандилар. Экспертлар киши танасига пичоқ санчилгандан кейин қон қай йўсинда ва қанча масофагача отилишини яхши билишарди. Терговчилар қўшниларида суриштиришганда ҳам улар мужмалроқ жавоб қилишди. Жиноят-қидирув хизматидагилар эса яна бир жумбоқни ўртага ташлашди. Ҳар қандай жиноятчи изини йўқотиш учун гувоҳларни ҳам йўқ қилишарди. Ваҳоланки, бу хонада қизалоқ ҳам бўлган. Аёл эса бўйини бироз пичоқ билан тилиб, гўё уни ҳам сўймоқчи бўлганини исботлашга уринганди. Хуллас, текширув, суриштирувдаги чалқашликлар бизда, қотил аёлнинг ўзимикан деган шубҳа уйғотди. Ишни атрофлича ўрганишга киришдик. Ходимларимиздан Ш. Шодмонқулов, А. Сулаймонов, В. Шумейко, участка вакили Б. Бозоровлар текширув, суриштирув ишларини пухта олиб бордилар. Маҳалла кишилари ҳам ёрдам беришди. Танзиланинг қилмиши аниқланди, бунга ўғли ҳам исботлади.

Бу воқеа кишини даҳшатга солади, албатта. Қачонлардир яхши ният, орзу-умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган инсонларнинг ҳайвондан ҳам баттар аҳволга келиб қолишларини қандай сўз билан ифода-лаш мумкин. Уларнинг ширин ҳаётига оғу бўлган нарсая нима? Бойликми, рўзгордаги қийинчиликми. Бунга ҳар ким ўзича баҳолаши мумкин. Бирок, инсондаги садоқат, меҳр, оқибатга хиёнат десак тўғри бўлади. Садоқатли бўлиш учун эса инсондан матонат талаб этади. Иймони бут, қалби пок, садоқатли бўлиш катта жасорат, Ана шу жасоратни қалбида сақлаб, унга хиёнат қилмаган кишигина ҳақиқий инсондир.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

ХУРМО ОРАСИДАГИ ОГУ

Денов тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида бир "КамАЗ" хурмо ортилган машинадаги юк орасига энг кучли таъсир этувчи гиёҳванд моддаси яширилганлиги ҳақида маълумот олинди. Зудлик билан Денов шаҳрида яшовчи Латиф Мамасодиқов бошқарувида бўлган Тошкент вилояти Паркент туманидаги автокорхоналардан бирига қарашли давлат белгиси 11 АЕ 768 бўлган "КамАЗ" автомашинасига ортилган фуқаро Аҳмад Халилбоевга тегишли 630 яшиқ хурмолар ораси текшириб қўрилганида у ердан умумий вазни 4 килограмм 170 грамм бўлган героин моддаси яширилганлиги маълум бўлди. Уларнинг сафарига шу ернинг ўзидаёқ нуқта қўйилиб, огулар йўқ қилинди.

ЗАҲАР ЮТИБ САФАРГА

Нақлиёт ИИБ Бухоро шохбедати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари эса ўз тажрибаларига суяниб айримларнинг қорнига яширилган гиёҳванд моддаларини ҳам аниқламоқдалар.

Тожикистон Республикасининг Қўлоб вилоятида яшовчи 1976 йил туғилган Файзулла Сафаров 200 грамдан зиёд героин гиёҳванд моддасини елим халтачаларга ўраб ошқозонига "жойлаб" олиб ўтмоқчи бўлган. Шунингдек, ҳисорлик Абдуҷаббор Солиевнинг ҳам ошқозони ювляганида шунча миқдорда елим халтачаларга ўралган героин гиёҳванд моддаси олинди.

Дастлабки суриштирувлардан маълум бўлишича улар бу гиёҳванд моддаларни Москва ва Саратов шаҳарларига етказиб беришса, уларга бюлортмачилар мўмай хизмат ҳақи беришар экан.

Хуллас, заҳар ютиб жонни гаровга қўйиб пул топиш уларга заҳардан ҳам қимматга тушди.

МАЪЛУМКИ, ҳар бир давлатда чиқарилган қонун ва қондалар фақат шу мамлакат ҳудудида амал қилади, ҳуқуқий кучга эга бўлади. Кейинги йилларда мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ, маҳсулот ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик муносабатларининг кенгайиб бориши халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқиш, мамлакатдаги мавжуд юридик ҳужжатни бошқа давлат ҳудудида халқаро битимга биноан ўзаро тадбиқ этиш заруратини келтириб чиқарди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлган дастлабки йиллардаёқ бир қатор хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар тузишга киришилди, чет эл фирмалари билан маҳсулот айирбошлаш, савдо-сотиқ, хом ашё етказиб бериш, бутловчи қисмлар билан таъминлаш каби шартномалар тузилди. Шартнома тузилиши билан ҳар икки хўжалик юритувчи субъект ўртасида ҳуқуқий меъёрларга асосланган юридик ҳужжатлар имзоланди, демакдир. Унинг бажарилишини таъминлашда томонларнинг роли бир хилда бўлиши шарт, албатта. Бироқ, қайсидир сабаб билан шартнома мажбуриятлари қисман ёки тўлиқ бажарилмай қолса-чи? Бундай ҳолатларнинг рўй бериши табиий. Даввогар қайси давлат ҳуқуқий идорасига мурожаат этади? Мазкур мақолада ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Авалло шунини айтиб ўтиш керакки, жаҳондаги мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектлар иши билан шуғулланган судлар ҳар хил. Айрим давлатларда хўжалик судлари амал қилса, айрим мамлакатларда ҳакамлик судлари мавжуддир. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини талбиқ этиш, ижросини текшириш учун 1958 йил 10 июнда Нью-Йорк шаҳрида “Хорижий мамлакатлар ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш ҳақида” Конвенция қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 20 декабрдаги қарорига биноан Ўзбекистон шу Конвенция таркибига кирган.

Бундан ташқари 1992 йил 20 мартда Украина Республикаси пойтахти Киев шаҳрида ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида муҳим ҳуқуқий ҳужжат имзоланган. Шартли равишда Битим деб аталадиган бу ҳужжат Мустақил ҳамдўстлик давлатлари хўжалик субъектлари ўртасида шартномавий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққан низоларни кўриб ҳал этиш ҳамда кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар ижросини таъминлаш ҳақидадир.

Шунингдек, Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрида эса 1993 йил 22 январда ҳамдўстлик давлатлари томонидан “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида” Конвенция тузилган. Бундан ташқари

АВВАЛ ЭЪТИРОФ КЕЙИН ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси бир қатор хорижий давлатлар билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича икки тарафлама Шартномалар тузган.

Халқаро миқёсда амал қиладиган бу Конвенция, Битим ва Шартномалар қайси ҳолатлар хорижий мамлакатлар ҳакамлик судида қандай эътироф ва ижро этилишини ва бу судлар қарорларини ижро этиш ҳолатларини белгилайди.

Хорижий мамлакатлар корхона ва ташкилотларнинг хорижий мамлакатлар ҳакамлик судлари қарорларини эътироф этиш ҳақида мурожаат қилганларида хўжалик судлари юқорида қайд этилган Конвенция, Битим ва Шартномаларда кўзда тутилган умумий қоидаларга ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига амал қилиб иш юритишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига хорижий давлатлар ҳуқуқини қўллаш ҳақида қуйидагича баён этилган:

“13-модда. Чет давлат ҳуқуқини қўллаш

Чет давлат ҳуқуқини қўллаган тақдирда хўжалик суди бу ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги ва мазмунини уларнинг тегишли давлатдаги шарҳлашига ва амалда қўлланишга мувофиқ ҳолда аниқлайди.

Чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлигини ва уларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида хўжалик суди ёрдам беришни ва ёки тушунтириб беришни сўраб Ўзбекистон Республикасининг ҳамда хорижий давлатнинг ваколатли органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиши ёхуд мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Агар кўрилган чораларга қарамай чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлик ёки уларнинг мазмунини аниқланмаса, хўжалик суди Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳуқуқ нормаларини қўллайдир.”

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Конвенция, Битим ва Шартномаларда хўжалик муносабатлари билан бўладиган низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий нор-

малари аниқ белгилаб берилган. Хорижий давлат ва мамлакатимиздаги фирма, корхона ва ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқлари бир хил ҳимоя қилинади.

Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар хўжалик судларида чет давлатлар ва мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик муносабатлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиши ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Хўжалик суди ва халқаро ҳуқуқ

Юқорида биз бир давлат ҳакамлик ёки хўжалик суди иккинчи давлатнинг ҳакамлик ёки хўжалик судининг

қарорини эътироф этиб, мазмунини тушуниб, ҳуқуқ нормаларига асосан ижро этади деб айтдик. Бироқ айрим хўжалик судлари томонидан қарорларни ҳеч қандай эътироф этмасдан ижро қилиш учун ижрочига юборилган. Бу ҳолат Конвенция, Битим ва Шартномалар мазмунига зиддир.

Кўпчиликка тушунарли бўлиши учун шундай таърифлаш мумкин, аввал хорижий мамлакатлар ҳакамлик судлари қарорлари эътироф этилади, кейин ана шу эътироф этилган қарорнинг ижроси таъминланади.

Хорижий мамлакатлар ҳакамлик судлари қарорларини мажбурий ижро этилиши борасидаги масала даввогарнинг талабига кўра қарздорнинг яшаш манзилида, агарда қарздорнинг Ўзбекистон Республикасида турар жойи бўлмаса ёки манзили номаълум бўлса, унинг мулк жойлашган манзилда Республикаимиздаги тегишли судлар томонидан кўриб чиқилади.

Яна шунини эслатиб ўтиш жоизки, халқаро Конвенция, Битим ва Шартнома-

ларда ҳакамлик, иқтисодий ва хўжалик судларининг қарорларини ижро этиш учун зарур бўлган ва илова этилиши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати кўрсатиб ўтилган. Бироқ, айрим хўжалик судлари бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларида кўрсатилган талабларга ҳар доим ҳам риоя этавермаётдилар.

Масалан, Нью-Йорк Конвенциясига биноан ҳакамлик судлари қарорларини эътироф этиш ва ижро

этиш ҳақидаги мурожаатга лозим даражада тасдиқланган ҳакамлик қарорининг асл ёки лозим даражада тасдиқланган унинг нусхасини, бирор бир шартнома ёки бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган уларнинг объекти ҳакамликда кўрилиш учун асос бўлиб, барча ёки баъзи бир низоларни ҳакамликка бериш бўйича тарафлар Битимнинг асл нусхасини топширишлари керак бўлади.

Киев Битими иштирокчилари эса ҳакамлик, иқтисодий ва хўжалик судлари қарорларини ижро этиш учун мажбурий ижро этилиши сўралган қарорнинг тегишлича тасдиқланган нусхасини, агар қарор мазмунидан кўрилмаса, унинг қонуний кучга кирганлигини кўрсатувчи ҳужжатни, иш кўрилиши иккинчи тарафга билдирилганлиги ҳақида хабарнома ва ижро варақасини илова қилишлари керак.

Бироқ, айрим хўжалик судлари юқорида кўрсатилган талабларга риоя этмай, хорижий мамлакатлар ҳакамлик судлари қарорларини бевосита ижро этишга қабул қилганлар. Масалан, Самарқанд вилоят хўжалик судидан “Омскшина” ишлаб чиқариш бирлашмаси фойдасига “Элбек” хусусий фирмасидан 169.187 АҚШ долларини ундириш ҳақидаги иш бўйича Россия Федерацияси Омск вилоят ҳакамлик суди қарорини ижро этиш сўралган. “Хўжалик муносабатлари билан боғлиқ

бўлган низоларни ҳал этиш ҳақида”ги Битимнинг 6-моддаси бузилган ҳолда вилоят хўжалик суди Омск вилоят ҳакамлик судининг қарорини эътироф этмасдан ижро этишга киришган. Ваҳоланки, судга мурожаат билан бирга илова қилинган ҳужжатлар Битим моддасида кўрсатилган рўйхатга мослигини текшириб кўриш, ундан сўнг қарорни эътироф этиш масаласини ҳал этиш лозим эди. Чунки илова қилинган ҳужжатларда қарздор суд муҳокамаси тўғрисида хабардор қилинганлиги ҳақида маълумот бўлмаган.

Тажрибаларда хорижий мамлакатлар ҳакамлик судлари қарорларини эътироф этиш масаласи юқори даражада мукаммал бўлмасада қарорнинг ижросини таъминлашда қатор муаммоларга дуч келинапти. Икки давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг олди-сотдиси хорижий валютада амалга оширилади. Қарздорнинг қарзини ундириш учун чиқарилган қарорда чет эл валютасида тўлаш кераклиги баён этилса-чи? Ана шу масалада яъни мамлакатимизда чет эл валютаси билан таъминлашнинг алоҳида тартиби мавжуд бўлганлиги сабабли, чет эл ҳакамлик судлари қарорларини ижро этишда қийинчилик туғилляпти. Агар қарздорнинг ҳисобида маблағ бўлмаса-чи, бу ҳам муаммоли масала.

Хўжалик судлари олдидаги бундай муаммоларни ҳал этмай туриб, хорижий мамлакатлар ҳакамлик судларининг қарорларини эътироф ва ижро этиш ҳақида тасдиқланган халқаро Конвенция, Битим ва Шартномаларнинг бажарилиши қийинчилик билан кечмоқда.

Яна бир қатор муаммолар ҳам борки, уларни ҳал этиш билан давлатимиз томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш ва талабларини бажаришда зарур имкониятлар пайдо бўлади.

Азамат ДҮСТБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик суди
судлов ҳайъати раиси.

АВВАЛО ЎЗИНГИЗГА ЯХШИ

Зукко ўқувчилар Чеховнинг қурол ҳақидаги бир гапини яхши эсласалар керак. Ёзувчи, асарнинг биринчи кўринишида деворда милтиқ осиглиқ турган бўлса, асар охиригача у отилиши керак деганди. Албатта, ёзувчи бу ерда адабиётнинг қонунилари ҳақида гапирган. Шунга қарамай ушбу сўзларнинг нақадар ҳаққоний ва ҳаётий эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда уларнинг қўлида йиғилиб қолган, рўйхатдан ўтказилмаган қурол-аслаҳаларни аниқлаш, олиш, корхона, ташкилотлардаги қурол-аслаҳаларнинг сақланиш ҳолатини текшириб бориш ва бу борадаги ишларни тартибга солиш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда яқинда Тошкент шаҳрида “Арсенал” тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида бир қатор объектларда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилиши, уларни ўғирланишининг олдини олиш

борасида текширув ўтказилди. Ўз уйида рўйхатдан ўтказилган ҳолда қурол сақлаётган айрим фуқаролар билан қўшимча равишда профилактик сўхбатлар ўтказиб, қуролларнинг сақланиш ҳолати текширилди, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ўтказилган тадбир жараёнида ўқотар қуролларни сақлаш, улардан фойдаланиш қоидалари бузилгани учун 96 дона қурол олиб кўйилди ва 75 нафар қоидабузар фуқаронинг 70 нафари маъмурий, 5 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Масалан, шаҳарнинг Мирзо Улугбек тумани ҳудудида муқаддам судланган фуқаро В. Г. гумон қилиниб, текшириб кўрилганда унинг ёнидан бир дона револьвер, 23 дона ўқ топилди.

Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Р. М. исми фуқаро эса ўз уйида ҳеч қандай рухсатномасиз қурол сақлаётгани аниқланди, унга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ қурол-аслаҳаларни ноқонуний сақлагани, олиб юргани учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса-да, уни ихтиёрий топширганлар бундай жавобгарликдан озод этиладилар.

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам тадбир жараёнида нафақат рухсатсиз сақланаётган қуролларни аниқлаш ва олиб кўйиш билан шуғулландилар, балки уларни ихтиёрий топшириш борасида ҳам аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Бунинг натижасида аҳоли томонидан 8 та ноқонуний равишда сақланаётган, ҳисобдан ўтказилмаган қурол ихтиёрий равишда топширилди.

Тадбир жараёнида ўқотар қуролларни қўллаган ҳолда жиноят ва бахтсиз ҳодисалар содир этилишига йўл қўйилмади.

Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилган “Арсенал” тадбири мана шундай натижаларни берди.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари шахсий таркиби билан ўтказилаётган ҳар бир маърифат дарсида шахсий таркиб республикамизда, жойларда амалга оширилаётган ислохотлардан, маҳаллий рўзномаларда чоп этилаётган милиция фаолиятига оид танқидий ва ижобий мақолалардан, кундалик янгиликлардан воқиф этиб борилади.

ИИББ Профилактика ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция майори Зухриддин Бобокалонов бошқармада бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарсида маъруза қилаётиб, кун кеча ИИББ раҳбарияти билан бирга Сирдарё вилоятига ташриф буюриб, у ерда амалга оширилаётган ислохотлар, вилоят ИИБ ходимларининг бой тажрибалари билан танишиб чиққанлигини сўзлаб берди. У Гулистон шаҳридаги тозалик-озодликни алоҳида таъкидлади.

— Ҳеч бир жойда ахлат уюмини учратмайсиз. Йўлакчалар асфальтланган, — деди З. Бобокало-

нов. — Гулистон шаҳридаги милиция таянч пункти намунали қилиб жиҳозланган, бу тажрибани тадбиқ этиш бошқа вилоятларга ҳам тавсия этилди.

Шу ўринда З. Бобокалонов ИИББ Экология ва тозаликни назорат қилиш бўлинмасининг иш фаолиятини тубдан яхшилаш кераклигини уқтирди.

У ИИББ Профилактика хизматини ислох қилиш натижасида илгари 1-2 йилда қилинмаган ишлар эндиликда ярим йил ичида бажарилаётганини қувонч билан маълум қилди. Яқинда профилактика инспекторлари учун яратилган гиёҳвандлик моддаларини топши бўйича қўлланма ҳам ўз самарасини бериляпти. Биргина ҳамза туманида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг 60-70 фоизи профилактика инспекторлари томонидан фош этилаётган экан. Албатта, изланиш бор экан, у ўз самарасини бермай қолмайди.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ,
милиция катта лейтенанти.

... **ГУЛНОЗ** хонада ҳар галгидек ёлғиз қолди. Дугоналари уни:

– Ҳадеб хонада кўмилиб ўтиравермасдан, юр биз билан, – дея ҳоли-жонига кўйишмади. – Янги ҳинд фильми келган, тушамиз, – деб кўришди, бўлмади. Одатда ҳинд фильми дарагини эшитса, ҳар қандай зарур ишини ташлаб борадиган шаддод қиз, энди дам олиш кунни ҳам “мик” этмай, хомуш ўтирибди. Ҳозир юрагига қил сизгамайди. Дугоналари буни билишармиди...

У айбини бўйнига олиб, шошқалоқ, тошбағир қиз эканлигидан ўртанади. Хомуш сузилган кўзларини столдаги тирагичли рамкага солинган суратга тикканча ундан кечирим сўрайди. Бир пайтлар мана шу суратга боқса ширин ўйлар оғушидан чиқолмасди. Лабидан кулги, дилдан шодлик аримасди. Энди-чи? Нигоҳи тушди, кўзига ёш олмади иложи йўқ. Ўзини тутушга ҳар қанча уринмасин, иложсиз, юрагини бўшатади. Михжа қоқмай, тонг оттиради. Эрталаб ҳамма қатори апил-тапил тамадди қилади-ю, институтга йўл олади.

Дарслари тугаши билан ҳар қачонгидек Салимнинг йўлини пойлаб, ундан узр сўрамоқчи бўлади. Аммо у алоқа бўлими биқинидаги муюлишда кўринди, ўзини пастак, янги оқланган бино ёнбошидаги қалин дарахтзор ичкарасига олади. Қалин дарахт япроқлари орасидан уни узоқ кузатади. Беихтиёр кўзлари яна жиққа ёшланади. Ўша кунни ноҳақ, устига устак: **“Салим ака! Сиздан илтимос, шу хатни олгач, орамизда бўлиб ўтган нарсаларни унутинг! Мени кечиринг!”**

Сизга бахт тилаб: Гулноз, дея хат ёзиб беришига бало бормиди? Ҳаммасидан ҳам шунга кўп койинади. Аламидан рўпарадаги ҳовлининг паҳса дўрага тирмашган тиканли наъматак шохидан кесиб, ўзини баданидан қон тирқираб чиққунча савалагиса келади.

Гулноз суратдаги Салимнинг очик чехраси-ю, кулиб порлаб турган тим қора, йирик кўзларига боққанча хаёл дарёсига фарқ бўлади...

Салим Ички ишлар бошқармасидан хизматини тугатиб чиққанида, кеч кирганида, Осмонда милтиллаб юлдузлар кўрина бошлаган. Топ-тоза супурилган йўлакнинг кичкина истироҳат жойи талабалар билан гажум. Кимдир шахмат, ё шашка доналарини суриш, биров бўлажак имтихонга тайёрланиш билан банд, яна бошқаси хонадан янграган кўшиқ сеҳрига асир. Ижрочи кўшиқда муҳаббатни тараннум этарди. Хонанди овозининг ширинлиги, жозибдорлиги уни ўзига ром этди. Қалбининг тубидан булоқдек отилиб чиққан аллақандай сирли ҳислар Салимни чинор остидаги ўриндикда ўтиришга мажбур этди. Тор мастона кўшиққа жўр бўлганича инграр, қалбларда ширин ҳиссиёт уйғотарди. Дарахт япроқлари унинг сеҳрига лол қолгандай кимир этмасди. Хатто табиат ҳам унга бўйсунгандай эди. Кўшиқ тугади. Гўё борлиқ мангулик уйқусидан турди. Атрофда ҳаёт жонланди. Салим шимининг ўнг чўнтагидан тевараги тўқилган даст-рўмонли олиб, унинг орасидан қайта-қайта ўқилаверганидан айрим сатрларни ўша бошлаган хатни чиқазди. Елкасини бу-

киб узоқ ўқиди. Сўнг қайта аввалги ҳолга келтирди-да, ўрнига солиб кўйди. Юзида аллақандай нохушлик сезилди. Ортик бу ерда қолгиса келмади. Кунчиқар томонга йўл олди. Кунига аҳвол мана шундай: ишдан бўшадими, тўғри Талабалар шаҳарчасига боради. Аммо Гулнознинг ётоқхонасига яқин борганда юраги кинидан чиққудек гурсиллаб уриб, михлангандай жойида қотади. Кейин қимматбаҳо нарсасини йўқотгандек, шумшайиб, уйига қайтади. Столига қўйилган гулдор рамкали суратга суқланиб-суқланиб боқади. Нечоғли кўп термилмасин, ҳеч тўймайди.



Соғинчи ошиб, ўртанади. Чехраси жиддийлашиб, пешонаси ўртасида тугун пайдо бўлади...

Салим икки ёнига турнақатор қилиб садақайрағоч ўтказилган кўп қаватли бино эшигидан кириб, зинадан юқорига кўтарилди. У тор йўлак муюлишидаги хонасига кирди-ю, нигоҳи яна рўпарадаги стол устига қўйилган суратга қадалди. Жойида михлангандек қолди. Қаршида сурат эмас, мисоли жонли қиёфа турарди. Нималарнидир ўзича пичирлади. Кейин эшик ёнидаги илгакдан попукли сочиқни олиб, сурат ойнасини артди. Уни юзига босиб, девор этагидаги қаравотга ҳорғин ёнбошлади. Ўйлар исқанжаси унга тинчлик бермасди. Майдонда кунни билан машқ қилиб чарчаган шекилли кўп ўтмай кўзига уйқу инди. Кечга яқин нимадан дир сесканиб, уйғониб кетди. Ҳозиргина кўрган тушини терисига сизгамай эслади: Гулноз унга шафақдек қип-қизил рўмонли тутқазиб, ўзи қаёққадир табассум ила ғойиб бўлди. Рўмонли кўзларига суртиб таниш, хушбўй хиддан маст қолди... Кўксига ағанаб қолган суратни ўрнига қўйди. Хонани бир оз шамоллатиш учун деразани очди.

Кўёш сўнгги нурларини аёвсиз сочади. Пастда кимдир атрофга шалоплатиб сув сепиш билан банд. Узоқдан, бинокорлар ётоғидан бўлса керак, кўшиқ овози аранг эшитилди. Кўшни хонадонда шовқинли тортишув овози кўтарилди. Уй муюлишида сўнгги модада кийинган йигит билан қиз кўринди-ю, Салимнинг юраги сел бўлиб кетди. Гулнознинг мафтункор сиймосини кўз олдига келтирганча, хонани бир айланиб, кетмакет хўрсинди. Орқа чўнтагидан филофи тароғини олиб, сочларини силлиқлаб таради-да, Гулноз ёқтирадиган ўша парча гулли бўйинбоғини оқ қўйлаги устидан боғлаб, таш-

